# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

2001 ЙИЛ 20 феврал, СЕШАНБА

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 21 (6.234). Сотувда эркин нархда


## БУГУНГИ СОНДА:

**АЙТГАНИНГИЗ КЕЛСИН, "САЙИЛ БОБО"!**



*Холиқмурод ака осмонга қаради: топ-тоза. На булут бор, на шамол. Сайил бобо эса уйига шошиб кетаяпти. Холиқмурод ака "ичида" "Сайил боваям пича қариб-ди" деб қўйди.*

(1-3-саҳифаларда)

**МУҲАММАД ЯРАТГАН МАКТАБ**

*Агар мен бўш қоладиган бўлсам, китоб, газета-журналлар ўқийман. Комилжон Отаниёзов, Бобомурод Ҳамдамов, Камолиддин Раҳимов сингари ҳофизларнинг киши қалбининг нозик торларини чертувчи дилўртар, таъсирчан қўшиқларини тинглашни хуш кўраман.*

(1-3-саҳифаларда)

**"БОЗОР КЎРМАГАН ЙИГИТ"**



*-Тўғриси, шаҳарда туғилган бўлсам-да, қишлоқда ўсганман. Мен қишлоқда кўп юрганман. Шу боис қишлоқ одамларини жуда-ям ҳурмат қиламан.*

(1-4-саҳифаларда)

# ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

***Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси***

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугун биз мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодиётни ислоҳ этиш бўйича 2000 йил - ўтган минг йилликнинг сўнгги йилида қилинган ишларга якун ясаш ва келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш учун йиғилдик.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, шуни мамнуният билан қайд этишни истардимки, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида белгилаб берилган устувор йўналишлар йил давомида изчил амалга оширилди. Умуман олганда, 2000 йилга мўлжалланган мақсад ва вазифаларнинг, энг муҳим макроиқтисодий прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди.

Хўш, ўтган йил бу борада қандай амалий натижалар қўлга киритилди?

**2000 йилда ҳам республика иқтисодиёти ўтган йиллардаги каби барқарор ва изчил ривожланди.** Макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсиш мамлакатимизда давом этаётган ислоҳотлар ва жамиятни янгилаш жараёнининг ажралмас хусусиятларига айланиб қолди. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш - 4 фоизга, саноат ишлаб чиқариши ҳажми - 6,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш - 3,2 фоизга кўпайди.

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш - 7,7 фоизга, чакана товар айланиши - 7,8 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса - 14 фоизга ортди.

Иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳақида гапирганда, мен эътиборингизни муҳим бир масалага жалб этмоқчиман.

Албатта, тез суръатлар билан ривожланиш катта аҳамиятга эга эканини ва бунинг фойдасини ҳеч ким инкор қилолмайди. Лекин барчамизга аён бўлиши керакки, ҳар қандай ўсиш кўрсаткичлари номигагина эмас, аввало, бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожи учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим.

Биз иқтисодий ўсиш деганда, авваламбор, мана шу ҳақиқатни тасаввур қилишимиз табиийдир.

Бугун биз, совет давридаги эски статистиканинг сохта услубларини ёдга олишимиз мумкин. Унга кўра, ялпи ижтимоий маҳсулотнинг, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш, қурилиш-пудрат ишлари ҳажмининг ўсиш суръатлари ва бошқа умумий кўрсаткичлар бош мезон ҳисобланар эди.

Лекин кўп жиҳатдан пуфлаб ясалган бундай сохта суръатлар амалда иқтисодиёт ривожидаги барқарорлик ва аҳоли ҳаёт даражасининг ўсишига таъсири ҳақидаги маълумотларни бермас эди.

Ўйлайманки, бугунги кунда эришилаётган ўсиш суръатларига, гарчи уларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлса-да, бу кўрсаткичларга ҳаддан зиёд маҳлиё бўлиш ярамайди. Муайян даврдаги иқтисодий фаолият натижаларини баҳолашда бозор муносабатлари мезонларига ва, энг аввало, сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг 2000 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини ана шу нуқтаи назардан баҳолайдиган бўлсак, мен қуйидагиларни қайд этмоқчи эдим.

**Биринчидан, иқтисодиётимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ошди.** Давлат бюджети камомади ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизидан ошмади.

Нақд пул эмиссияси, йил якунларига кўра, 9,4 фоизни ташкил этди, бу - прогноз қилинган даражадан анча пастдир. Жами пул массаси, белгиланган даражадан - яъни, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 19 фоиздан ошгани йўқ.

Бу - пул айланиш тизимининг барқарорлигидан далолат беради. Иқтисодиётимиз ва мамлакатимиз барқарорлигини таъминлайдиган етакчи соҳалар анча тез суръатлар билан ривожланди.

Пулнинг қадрсизланишининг олдини олишга қаратилган қатъий чора-тадбирлар инфляция кўрсаткичларини прогноз қилинган даражада сақлаб туриш имконини берди. Йил мобайнида қайта молиялашнинг ўртача ойлик даражаси йиллик 36 фоиздан 24 фоизга пасайди. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция жараёнларига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди.



**Иккинчидан, корхоналарнинг молиявий аҳволи анча мустаҳкамланди.** Корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларини 41 фоизга, ана шундай кредиторлик қарзларини эса 58 фоизга қисқартириш имконини берди. Мониторинг ўтказилаётган 21 та вазирлик ва идоранинг тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари тўлиқ тугатилди. Банкротлик ёқасига бориб қолган корхоналар сони деярли икки баробар қисқариб, 182 тадан 81 тага тушди. Юртимизда фаолият кўрсатаётган 169 минг корхонадан зарар кўриб ишлаётгани 139 тани ташкил этди.

**Учинчидан, банк соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар янада ривожланди.** Банкларнинг умумий капитали ва банк тизими активларининг умумий ҳажми йил давомида 1,9 баробар ошди. Ўзбекистонда банк активларининг ялпи ички маҳсулотга бўлган нисбати 2001 йил 1 январь ҳолатига кўра 56 фоизни ташкил этди. Бу, албатта, барчамизни қувонтиради. Чунки ушбу кўрсаткич бир томондан, мамлакатимизда кредит бериш имкониятлари кенгайганини кўрсатса, иккинчи томондан, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганидан далолат беради. Бу тижорат банклари томонидан аҳолининг омонат маблағларини рағбатлантириш сиёсати билан боғлиқ. Бунинг натижасида тижорат банкларининг депозит базасида аҳоли омонатларининг улуши 7,8 фоиздан 15,8 фоизгача кўпайди.

**Тўртинчидан, кейинги йилларда биринчи марта четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажмининг ўсиши таъминланди.** Йил якунлари бўйича ташқи савдо айланмасида 317,3 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Маълумки, дунё бозорида нефть нархининг юқори бўлиб тургани кўпгина мамлакатлар учун 2000 йилда иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлди.

Жаҳон бозорида асосий экспорт қилинадиган товарларимизга биз учун ноқулай бўлган нарх-наво конъюнктурасининг давом этаётганига қарамай, кейинги уч йил мобайнида ўзимизнинг олтин-валюта захираларимизни сақлабгина қолмай, балки уларни кўпайтиришга ҳам эришдик. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади ва ташқи иқтисодий шерик сифатидаги Ўзбекистонга бўлган ишончни орттиради.

Ҳисобот йилида валюта сиёсатимизни эркинлаштириш, айирбошлаш курсини унификациялаш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан фаол чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бугунги кунда барча тижорат банклари ўз алмаштирув шохобчалари орқали хорижий валютани, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, эркин курс бўйича харид қилиш ва сотиш ҳуқуқига эга.

**Бешинчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришнинг суръат ва миқёслари сезиларли даражада ўсди.**

2000 йилда хусусийлаштириш дастури бўйича кўзда тутилган 167 та объект ўрнига 374 та объект хусусийлаштирилди. Уларнинг негизида 152 та ҳиссадорлик жамияти, 103 та хусусий корхона ва 117 та бошқа мулк шаклидаги корхона ташкил этилди. Фонд бозорида илгари давлатга тегишли бўлган умумий қиймати 6 миллиард сўмдан зиёд акция сотилди. Бу - 1999 йилдагига нисбатан 35 фоиз кўпдир.

2000 йили давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан 14,3 миллиард сўм маблағ тушди. Бу - 1999 йилги кўрсаткичдан 1,6 баробар кўпдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам муайян ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. 1999 йил якунларига бағишланган мажлисда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўз фаолиятида сансалорлик ва тўрачиликка йўл қўяётгани, хусусий тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамиятини етарли даражада тушуниб етмаётгани қаттиқ танқид қилинган эди. Бугун ўтган йил якунларини холисона баҳолар эканмиз, жойларда бу борадаги ишлар анча кучайганини эътироф этишимиз зарур.

Ўтган мана шу давр мобайнида рўйхатга олинган кичик ва ўрта корхоналар сони деярли 13 фоизга кўпайди. Фаолият юритаётган корхоналарнинг иқтисодиётдаги улуши сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда кичик ва ўрта корхоналар ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳиссасига ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 21,6 фоизи тўғри келмоқда.

Ҳисобот йилида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобидан 193 минг янги иш ўрни яратилди, бу - 1999 йилдагига нисбатан бир ярим баробар кўп демакдир. Янги иш ўринларининг 99 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилгани эътиборга сазовордир.

**Олтинчидан, 2000-йил учун мўлжалланган инвестиция дастури тўлиқ амалга оширилди.** Молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан иқтисодиётимизга 700 миллиард сўм атрофида, жумладан, қарийб 810 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя киритилди. Жами сармояларнинг 55 фоиздан зиёди ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Енгил саноат, транспорт ва алоқа тармоқларига, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қурилишларга йўналтирилган инвестициялар салмоғи ортди.

Йил мобайнида: нометал қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Хобас-ТАПО» қўшма корхонаси, сантехника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи «Ўзсматана-Сантехника» қўшма корхонаси, Самарқанд вилоятидаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарувчи цех, Тошкент вилоятидаги универсал фосфорли-азотли ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхона, Андижон вилоятидаги чарм маҳсулотлар тайёрлайдиган «Олтин дери» қўшма корхонаси, ўқув дафтарлари тайёрлайдиган «Ишк» қўшма корхонаси, Тошкент шаҳридаги инфузион эритмалар ампуласи ва таблеткалар ишлаб чиқарувчи корхона ва бошқа объектлар ишга туширилди.

Шунингдек, Шўртан газкимё комплекси, Янгийўл целлюлоза-қоғоз фабрикаси, Тошкент шаҳридаги вагонларни таъмирлаш корхонаси, Фарғона фуранли қоришмалар заводи, Шаҳрихон туманидаги «Антекс» ҳиссадорлик жамияти тўқув фабрикаси, Қоракўл туманида «Қоракўл-текс» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси, Андижон шаҳридаги 21 минг абонентга мўлжалланган автомат телефон станцияси қурилиши ниҳоясига етмоқда ва яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Мамлакатимизда коммуникация тармоқларини ривожлантиришга нақадар катта аҳамият берилаётганидан хабарингиз бор, албатта.

Хусусан, ўтган йили янги темир йўл йўналишининг 226 километрлик узунликдаги Учқудуқ-Мискин тармоғини фойдаланишга топшириш ишлари якунига етди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Соғлом авлод давлат дастури ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш давлат дастурида кўзда тутилган кенг миқёсдаги тадбирлар мажмуи амалга оширилди.

Барча вилоятларда Шошилинч тиббий ёрдам маркази филиаллари ишга тушди, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғи кенгайтирилди. Олти ёшгача бўлган болаларнинг деярли барчаси тиббий кўрикдан ўтказилди. Скрининг-марказ ташкил этиш дастури амалга оширилди.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугун иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман. Ҳаётимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар тўғрисидаги бор ҳақиқатни - шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгараётгани, янги-янги ишлаб чиқариш ва маиший иншоотлар, ижтимоий соҳадаги ютуқлар, энг муҳими, халқимизнинг келажакка қатъий ишонч билан яшаётгани аниқ кўрсатиб турибди.

(Давоми 2-бетда)

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● 16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

● Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Эрон Ислом Республикасининг экспертлар гуруҳи ва ишбилармонларидан иборат делегация раҳбари, Эрон савдо вазири М.Шариатмадорий Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов билан учрашди. Мулоқот чоғида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар, хусусан, савдо-иқтисодий алоқаларга оид масалалар тўғрисида фикр алмашилди.

● Шу йил 23-24 феврал кунлари Тошкентда Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) шафеълигида биродарлашган шаҳарларнинг бешинчи халқаро конференцияси бўлиб ўтади. Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган ишчи гуруҳ йиғилиши ЕИК вакиллари ҳамда дунёнинг ўттизга яқин давлатидаги шаҳарлар маъмуриятидан бир юз саксонга яқин мутасадди иштирок этиши кутилаётган мазкур халқаро анжуманни юқори савияда ўтказишга бағишланди.

● АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига 485 минг долларлик грант ажратишга қарор қилди.

● ЮНЕСКОнинг номоддий меросни ўрганиш департаментидан хушхабар келди. Унда Ўзбекистон Бадиий академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти қошида Марказий Осиё Минтақавий номоддий мерос марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифи ЮНЕСКО томонидан маъқуллангани таъкидланган.

● Қашқадарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган анжуманда Президент Ислом Каримовнинг куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

● Навоий кон-металлургия комбинатининг «Дўстлик» агрофирмасига Исроил давлатининг «IEC» фирмаси технологияси ўрнатилди.

# РАИСЛАРНИНГ ПОЛВОНИ

*Бугунги меҳмонимиз - Бухоро туманидаги "Маданият" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Муҳаммад ака Аҳмедов*

**БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ**



**-Ассалому алайкум, Муҳаммаджон ака! Хуш келибсиз!**

-Раҳмат!

**-Бизнинг бешинчи қаватга кўтарилган меҳмонимиз беш рақамига ўз муносабатини билдириши керак бўлади.**

-Беш рақами аслида хосиятли ҳисобланади. Негаки, барчамиз ҳаётда ишларимиз доимо беш бўлишини истаймиз. Бундан ташқари шеърият мулкининг султони Алишер Навоий бобомизнинг "Хамса"си ҳам беш китобдан иборат. Хуллас, ҳаётда беш рақами билан боғлиқ ҳолатлар кўп учраб туради.

**-Муҳаммад ака, дунё ичра бир гўзал дунё бўлган болалигингиз кечган ширин дамларни қўмсайсизми?**

-"Умр – оқар дарё", дейишади. Дарҳақиқат, бу ҳикмат тўғри экан. Вақтнинг шиддаткорлигига иймон келтирганим ҳолда болаликнинг ўйинқароқ лаҳзалари кўз ўнгимдан худди кино тасмасидек бирмабир ўтади. Ҳа, беғубор болалик даврида кечган бетакрор онларни асло унутиб бўлмаса керак. Чунки болалик инсон учун муқаддас ҳисобланмиш умр китобининг муқаддимаси. Инсон бу даврда кўрган-кечирганларининг барчаси – яхшисиям, ёмониям сатрма-сатр, сўзма-сўз битилади, уни ўчириб ташлашнинг иложи йўқ. Демак, болалик кўчаси ҳар қандай қусурлардан холи, озод ва ободдир. Шукрки, бу қутлуғ ва табаррук остона ҳамиша юрагим тўрида.

(Давоми 3-бетда)

**ЯХШИЛАР ЁДИ**

# ЭЛДА ХИЗР БОР ДЕЙДИЛАР

***Элнинг юрагида бўлиш қийин. Нега дерсиз? Сабаби... Аввало, эл алданмайди, элнинг кўзи кўп. Қўрқув билан ҳеч біровни қалбига киритмайди. Қўрқув туман: тарқайди-кетади...***

Элнинг суюши мушкул. Суйдими-суяверади. Сурхондарёликлар қалбидан жой олган оддий... хокисор инсонлар қанчадан-қанча. Биттаси: Сайил бобо...

Сурхон дарёсининг бўйида Заркамар қишлоғи бор эди. Қишлоқмисан қишлоқ. Кексалари донишманд. Улуғлари дунё кўрган. Мўъжизасифат кишилари тилга тушган. Қишлоқ аҳли аҳил. Давраларида илмдан суҳбатлар қизиган...

Сайил бобо Абраев ана шу Заркамарда туғилган. Ҳозир Заркамар қишлоғи йўқ... 1960 йилларда дарёга тўғон солиб, "Сурхон" сув омборини қурадиган бўлишди. Бир неча қишлоқ сув остида қоладиган, Заркамар ҳам. Аҳоли кўчирилди. Сайил бобо элдошлари билан Янгиер қишлоғига жойлашди.

-Сайил бобо бир яшаб ўтди-да! – дейди ҳамқишлоқлари, - бошқача одам эди. Биров ҳисобдон эди, деса, биров вали эди, у кишига ўзи "хабар" келиб турган, деб муболаға қилади...

Аслида, Сайил бобога анча аввал яшаган Суюндуқ бобосидан кўп нарса ўтганди. Қондан келган-да. Шоир айтмоқчи. "Авлодлар қонида минг йиллаб оққан, Буюк боболарнинг турфа хислати".

Бобоси Суюндуқ чўпон эди. "Кароматн" одамларга мўъжизадай кўринарди. Буни ёшлигидан сезди. Узоқ адирда... қўйлар ўтлаб кетаяпти. Ўзи майсага ёнбошлайди. Ажаб... ер остидан овоз келаяпти. Қандайдир оҳанг. Бу нима? Теваракка қарайди. Ҳеч ким йўқ. Қулоғини ерга босди. Ер остида шарқираб дарё оқаётгандай. Бир ишонади, бир ишонмайди. Қўйлар илгарилаб кетди. Етиб олиб яна тупроқни "эшитди". Худди сув чайқалиб тургандай. Буни чўпонларга айтди. Улар ҳам ерга қулоқ босишди.

(Давоми 3-бетда)

**ТААССУФ**

# КУТУБХОНАДАГИ "КАЛАМУШ"ЛАР

***Китобни бағрига босган, маҳкам қўлтиқлаб олган ёшлару кексаларни учратсак, халқимизнинг китобхонликка қайтаётганидан севиниб қўямиз. Китобхонлик ҳақида сўз кетганда эса кутубхоналарнинг ўрни алоҳида қайд этилади. Хўш, жойларда аҳвол қандай?***

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида 780 та оммабоп кутубхона, 1200 дан зиёд мактаб кутубхонаси, 30 та махсус илмий ва яна қатор зиё масканлари эл хизматида. Ўша йирик кутубхоналарда замонавий компьютер, манбалардан суратли нусха кўчириш воситаларининг хизмат кўрсатилишига эришилган. Қироатхоналар тобора гавжумлашиб бормоқда. Бунда, шубҳасиз, вилоят маданият ишлари бошқармаси ходимларининг, 3,5 минг нафардан иборат кутубхоначилар жамоасининг хизматлари каттадир.

А.С.Пушкин номидаги вилоят илмий-оммабоп кутубхонаси 1911 йилда ташкил этилган. Бугунда 200 кишилик ўқув залига, 600 минг китоб фондига эга бўлган бу даргоҳ ҳақли тарзда мамлакатимиздаги энг бой зиё масканларидан бири ҳисобланади. Аммо...

Аммо, ушбу қутлуғ даргоҳга ҳам, юқорида айтиб ўтганимиздек, чин маънода илм истаб келувчилар билан бирга китобнинг қадрини билмайдиган, арзимас зарурат билан келувчи кимсалар учраб турибди. Улардан маънавият ўчоғи жиддий азият чекмоқда.

Кутубхона директорининг ички ишлар бўйича ўринбосари Наталья Огнева, услубий ишлар бўйича директор ўринбосари Хуршида Абдураҳмоновалар билан кутубхона бўлимларини, ўқув залларини, "олтин жамланма" сақланадиган саройларни айландик. Ҳамма иш тартибли. Лекин, хизматчилар кўнгилни хира қилувчи қатор ҳолатлардан зорланишди:

-Айрим кишилар китобдан фойдаланадилар-у, уни яроқсиз ҳолга келтиришади. Айримлари эса олиб кетган китобларини қайтариб бермайдилар. Бизлар эса чорасизмиз, уларни "кечириш"дан нарига ўтолмаймиз.

(Давоми 4-бетда)

**ТАЛАБЛАРИНГИЗГА БИНОАН**

# ҚИШЛОҚДА ЎСГАН ШАҲАРЛИК АКТЁР

***ТАНИҚЛИ комик актёр Равшан Солиҳов билан суҳбатлашишни анчадан буён ўйлаб юрган эдим. Ниятнинг холислигини қаранг, таҳририятдан топшириқ бўлди: "Бориб, Равшан Солиҳовдан интервью олинг.***

У кишининг комик ролларга уста эканлигини биласиз. Суҳбат ҳам қизиқарли чиқсин". Хўп дедиму, Муқимий номидаги мусиқали драма театрига йўл олдим. Равшан акани топиб, муддаони айтганимда ҳеч иккиланмасдан рози бўлдилар. Очиғи, суҳбатимиз мобайнида санъаткорнинг ниҳоятда самимий инсон эканлигига яна бир карра амин бўлдим.

-Болалагимдан театрга ишқим тушиб, бу қутлуғ даргоҳга қадам қўя бошлаганман, - дейди у киши. – Кейинчалик ҳеч иккиланмай актёрлик касбини танладим. Ҳозир турфа хил образларни қўлимдан келганча ижро этиб келмоқдаман.

**-Муқимий театрига ишга келишингиз қандай кечган?**

-Бу ерга Санъат институтининг иккинчи курсида таҳсил олиб юрган пайтларимда келганман. Раззоқ Ҳамроевдек улуғ санъаткор бизга дарс берган эди. Хонадонимизда Муқимий театрида чироқ устаси бўлиб ишлайдиган бир киши ижарада яшарди. У мени ҳар куни театрга олиб борарди. Шу тариқа етти ёшимдан театрга қадам қўйганман.

**-Мухлислар сизга комик ролларнинг моҳир ижрочиси дея таъриф беришади...**

-Мен актёрликнинг ҳар бир қиррасида ўзимни тоблаганман. Бошқача қилиб айтганда, ҳадеб комик образларни ўйнайверишни ҳам хоҳламайман.

**-Ижро этган ролларингизга ўзингизнинг муносабатингиз қандай?**

-"Бозор кўрмаган йигит" спектаклидаги ролимни яхши кўраман. Миниатюралардан "Ҳам куласиз, ҳам куясиз"да бир пайтнинг ўзида 11 та образни ижро этганимга ўзим ҳам қойилман.

(Давоми 4-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:** ТОЛИБ БОБО - ТОТЛИ БОБО | ТИББИЙ САВОДСИЗЛИКДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ? | МАЪРИФАТДА МАНГУ ЗИЁ БОР

# ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

(Боши 1-бетда)

Биз ўтган йил якунларига баҳо берар эканмиз, биринчи галда, қандай вазифаларни амалга ошира олмаганимиз, қандай хато ва камчиликларга йўл қўйганимиз, уларни бартараф этиш учун бугун нималар қилишимиз лозимлигини аниқлаб олишимиз, улар тўғрисида очиқ-ойдин гапиришимиз керак. Халқимиз биздан шуни кутмоқда.

Ўтган йил қишлоқ хўжалиги учун қанчалик оғир келгани барчамизга маълум. Ноқулай об-ҳаво шароити, сув танқислиги ва бошқа сабаблар оқибатида мамлакатимизда пахта хомашёси, шоли, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари белгиланганидан анча кам бўлди.

Натижада мамлакатимиз учун зарур ва ҳаётий бўлган муҳим маҳсулотларнинг миқдори камайибгина қолмасдан, валюта ресурслари тушумининг қисқариши туфайли ҳам катта зарар кўрдик. Буни ҳам очиқ айтишимиз керак.

Экспорт ҳажмларини кенгайтириш ва халқаро бозорга чиқиш борасида ҳам жиддий муаммолар мавжуд.

Экспортга маҳсулот чиқариш бўйича «Ўзэлтехсаноат», «Ўзмашсаноат», «Ўзкимёсаноат» уюшмалари, «Махсусқотишма» республика бирлашмаси, Чкалов номидаги Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қўмир» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзгўштсутсаноат» давлат ҳиссадорлик уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», «Ўзбекмебель» давлат ҳиссадорлик жамияти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзавтойўл» ва «Ўзфармсаноат» давлат ҳиссадорлик компанияларига қарашли корхоналар прогноз кўрсаткичларининг ижросини таъминлай олмади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнлари, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ҳамда бутловчи қисмларни ўзимизда мавжуд хомашёдан ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича дастур сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар «Ўзагромашсервис» уюшмаси, «Қўмир» ҳиссадорлик жамияти ҳамда Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари корхоналарида, айниқса, қониқарсиз ташкил этилган.

Ваҳоланки, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича енгил саноат, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, металлургия саноатларида ишга солинмаган катта-катта имкониятлар мавжуд.

Республикамизнинг ҳар бир туманида хорижий сармояни жалб қилган ҳолда маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган, янги иш ўринлари ташкил этиш имконини берадиган қўшма корхоналар очиш дастурида кўзда тутилган ишлар қийинчилик билан, ниҳоятда секин олиб борилаяпти.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиман: кўпгина ҳокимликларимиз, тегишли тармоқлар, идора ва тузилмаларнинг мутасадди раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги мажлисидаги қатъий огоҳлантиришдан ўзларига зарур хулоса чиқариб, бу борадаги шахсий масъулиятни ҳалибери тўла англаб етмаганга ўхшайди.

2000 йилда хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган 152 та корхонадан 74 таси ёки деярли ярми Тошкент шаҳрига тўғри келади. Кўпгина туманларда ҳануз қўшма корхоналар ташкил этилмаган. Чамаси, улар бу ишни ташқаридан кимдир келиб қилиб беради, деган хаёл билан қўл қовуштириб ўтирибди.

Тан олиш лозимки, 2000-йил кўп жиҳатдан, аввалambор, мураккаб об-ҳаво шароити, қурғоқчилик ва сув танқислиги сабабли биз учун ноқулай келди.

Ёғингарчилик кам бўлганидан Амударё ва бошқа ички сув манбаларимизда сув миқдори зарурий меъёр даражасининг 25-40 фоизини ташкил этди, холос. Натижада республикамизнинг катта-катта майдонларида сўнгги юз йилда кузатилмаган қаттиқ қурғоқчилик рўй берди.

Буғдой ҳосилини сақлаб қолиш мақсадида сув омборларининг кўп йиллик ва мавсумий сув захиралари ёз бошларидаёқ сарфлаб бўлинган эди. Туямўйин сув омборининг захиралари ҳам тўлиқ сарфланди. Оқибатда шимолий ҳудудларимизнинг 50 фоиздан ортиғида экинларни суғориш имконияти қолмади, аҳолини ичимлик сув билан таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келдик.

Биргина Қорақалпоғистоннинг ўзида қурғоқчилик сабабли 210 минг гектар ёки барча экин майдонларининг 45 фоизида ҳосил нобуд бўлди. 116 минг гектар шоли экинидан атиги 15 минг гектари сақлаб қолинди, холос.

Хоразм вилоятида ҳам аҳвол мана шундай оғир бўлди. Бу ерда 65 минг гектар майдондаги экин қуриб қолди. Бунга қўшимча равишда кўплаб чорва моллари ҳам нобуд бўлди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 16 миллиард сўмга яқин, Хоразм вилояти бўйича 11 миллиард сўмдан зиёд зарар кўрилди.

Қурғоқчиликнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, майдонларни экишга тайёрлаш ишларининг ўз вақтида бажарилишига шароит туғдириш мақсадида ҳукумат томонидан, айтиш мумкинки, мисли кўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Б и р и н ч и д а н, кўрилган зарарни қоплаш учун ўтган йил якунлари бўйича 2,6 миллиард сўмдан ортиқ суғурта маблағлари тўланди.

И к к и н ч и д а н, 2000-йилда қурғоқчилик ва сув танқислиги натижасида зарар кўрган хўжаликларнинг 41 миллиард сўмга яқин қарзларини истисно тариқасида кечиб юбориш бўйича қарор қабул қилдик.

Бу хўжаликларга 1998-99 йилларда етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар учун 30 миллиард сўм кредиторлик қарзларининг тўлов муддати 2003 йилдан бошланадиган қилиб 8 йилга узайтирилди.

У ч и н ч и д а н, хўжаликларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича 2001 йил 1 январгача йиғилиб қолган қарзларидан, шунингдек, 2000 йил ҳосили ҳисобидан олинган авансларини бўйича қопланмайдиган қарзларининг бир қисмидан ҳам кечиб юборишга тўғри келади.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Бундай катта миқёсдаги табиий офатдан зарар кўрган хўжалик ва деҳқонларга бу даражада ёрдам бериш ва мадад кўрсатишга фақат иқтисодиёти барқарор ва ишончли тарзда ривожланаётган давлатгина қодир бўлади, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам менинг бу фикримга қўшиласиз.

Сув танқислиги ва ноқулай об-ҳаво шароити натижасида 2000-йилни зарар билан якунлаган 59 та хўжаликнинг санация муддатини, истисно тариқасида, яна бир йилга узайтиришга ҳамда 2001 йилдан бошлаб яна 76 та қишлоқ хўжалик корхонасини қўшимча равишда санацияга тортишга қарор қилинди.

Ҳукумат томонидан кўрилган ва кўрилаётган чора-тадбирлар пировард натижада ўтган йил сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, аввало қишлоқ меҳнаткашларининг аҳволини енгиллатишга қаратилган.

Шунингдек, бу тадбирлар, афтидан, унчалик енгил келмайдиган 2001 йил ҳосили учун бажариладиган қишлоқ хўжалик ишларини самарали амалга ошириш мақсадида зарур молиявий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишни ҳам кўзда тутади.

Бугун ўтган қишлоқ хўжалик йилини якунлаб, ишларимизнинг натижасига таъсир кўрсатган объектив ва субъектив сабабларга танқидий баҳо берар эканмиз, менинг назаримда, кейинги бир неча йил мобайнида қишлоқ хўжалик соҳасининг самарадорлиги ва маҳсулдорлигига салбий таъсир этиб келаётган айрим ўта муҳим омилларга тўхталиб ўтиш жуда зарур, деб ҳисоблайман.

Шуни унутмаслигимиз кераки, биз ҳосилимизнинг 90 фоиздан ортиғини суғориладиган ерлардан оламиз. Шу боис ҳам ирригация ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммолари биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Таҳлиллар эса айни шу масалаларга оид кўплаб ечими топилмаган муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда суғориладиган ерларнинг деярли 50 фоизини таъмирлаб, мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб этилади. Шўрланган ер майдони кўпайиб, ҳозирги пайтда улар 2 миллион гектарни ташкил қилади. Хўжаликлар ҳудудидаги ариқ ва зовурларни тозалаш ишлари талаб даражасининг 60-70 фоиздан ошмаяпти.

Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 35-40 фоизни, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса 30-60 фоизни ташкил этмоқда. Ёпиқ горизонтал дренажларни қайта тиклаш ишлари ўта қониқарсиз олиб борилмоқда. Жами 39 минг километр узунликдаги ана шундай дренажларнинг бор-йўғи 1,5 минг километри тозаланиб, қайта таъмирланган, холос.

Насос станцияларининг кўпчилиги бундан 25 йил аввал қурилган бўлиб, бугунги кунда уларни ишлатиш муддатлари ўтиб бормоқда. Суғориладиган ерларни таъмирлаш ва каналларни бетонлаш ишлари ҳажми камайиб кетган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликлари, хўжаликларнинг ўзлари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга етарли аҳамият бермаяптилар. Бу борадаги ишлар изчил олиб борилаётгани йўқ. Илгаридан суғориб келинаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда янги ерларни ўзлаштириш, коллектор-дренаж тармоқларини қайта тиклаш бўйича молиявий манбалари белгиланган, истиқболга мўлжаллаб тузилган аниқ дастур йўқ, десак хато бўлмайди. Мелиоратив мақсадларни амалга оширишга чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳамда янги тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш бўйича деярли иш олиб борилмаяпти.

Шўрланган ерларни ҳар йилги кузда-қишда ювиш ишлари мутлақо сифатсиз бажарилмоқда.

**Ҳаётнинг ўзи биздан бу муҳим соҳадаги ишларимизга бўлган муносабатимизни тубдан қайта кўриб чиқишни кескин талаб қилмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалигининг тақдири, демакки, энг муҳим ижтимоий, иқтисодий муаммоларимизнинг ҳал этилиши, пировард натижада, мамлакатимиз озиқ-овқат таъминоти хавфсизлиги бу борадаги ишларимизнинг кўлами ва самарадорлиги билан боғлиқ.**

Мана шу ҳолатларни инобатга олиб, Агросаноат комплекси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат ер қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, банклар ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2001-2005 йилларга ва 2010 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиши зарур.

Мазкур дастурни тайёрлашда, энг аввало, хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ва уларни ишга яроқли ҳолда сақлашга, магистрал коллекторларни қайта тиклаш, насос станцияларини қуриш ва таъмирлашга, шунингдек, Қарши магистрал канали объектлари ва бошқаларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугун яна бир ўта муҳим масалага тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Кейинги йилларда иқтисодиётнинг кўпгина соҳа ва тармоқларини ислоҳ қилиш, уларни бозор муносабатлари шароитида ишлашга ўтказиш, маҳаллий ҳудудий органлар ва хўжалик субъектларига кўпроқ эркинлик бериш бўйича бир қатор муҳим дастурлар қабул қилинди. Шунга биноан, бу тармоқларни бошқариш органлари ҳам ўзгарди: уларнинг бир қисми, хусусан, «Ўзколхозқурилиш», «Ўзагроқурилиш», «Ўзсаноат-гражданқурилиш», «Ўзсувқурилиш» ва бошқалар умуман тугатилди, айримлари бошқа шаклда қайта тузилди (масалан, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги), баъзиларининг эса бошқарув тузилмаси жиддий ўзгартирилди (масалан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги).

Аммо, танқидий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу тармоқ ва соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ўта суст, юзаки ҳолда бормоқда. Кўпинча амалга оширилаётган ўзгариш ва ислоҳотларнинг асл моҳиятини ижрочиларнинг ўзлари ҳам охиригача тушуниб, англаб етмаяпти. Амалда бошқарув тузилмаси ва шакли ўзгарган бўлса-да, кўпинча ишнинг бевосита мазмун-моҳияти ўзгармай қолаётган ҳоллар учраб турибди.

**Лўнда қилиб айтганда, бу ўзгаришлар, афсуски, биз олдимизга қўйган бош мақсад-муддаога, яъни ўзини оқламаган ва касодга учраган, марказдан режалаштириладиган маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиш, жойлардаги тузилмаларга кўпроқ эркинлик бериш, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига хос усул-услубларини жорий этишга олиб келмаяпти.**

Бу камчиликларнинг барчасини қурилиш комплекси ёки коммунал хўжалиги фаолияти мисолида кўриш мумкин. Ҳолбуки, мазкур тармоқларда ислоҳот дастурлари биринчи йили амалга оширилаётгани йўқ. Кўплаб қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганига, янги бошқарув тузилмалари яратилганига қарамасдан, афсуски, ишда ҳозиргача сезиларли натижа кўзга ташланмаяпти.

Агар, айтайлик, қурилишда мулкчилик масаласи амалда ҳал қилинмаса, хусусий ёки ҳақиқий ҳиссадорлик мулки асосида пудратчи қурилиш ташкилотлари тузилмаса, пудрат ишлари дастурларини шакллантириш ва буюртмалар бериш тамойиллари ўзгартирилмаса, моддий-техникавий таъминот муаммоси тубдан ҳал этилмаса, бажарилган ишларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ масалалар бозор талаблари асосида ечилмаса, табиийки, бундай ҳолатлар бошқарув тизимини такомиллаштириш ва ихчамлаштириш, ортиқча бўғинларни тугатиш борасида олиб борилаётган барча ишларимизнинг қадр-қимматини туширибб, мутлақо обрўсизлантириб қўйиши мумкин.

**Бугун бизда улгуржи ва биржа савдосининг самарасиз, очиғини айтсам, номақбул тизими амал қилмоқда. Савдо-сотиқнинг буйруқбозлик асосига қурилган эски «госснаб»ча усули устунлик қилмоқда, яъни нарх-наво, моддий ресурс ва бутловчи қисмлар сотувчилар ва истеъмолчилар ўртасида олдиндан белгилаб олинмоқда, энг ёмони, харидорни танлаш имконидан бутунлай маҳрум қилиб қўйилмоқда.**

Аҳвол шу даражага бориб етмоқдаки, буларнинг барчаси қурилиш бўлинмаларининг айрим раҳбарларида олдинги замонни қўмсаш кайфиятини пайдо қилмоқда, Ҳатто, Вазирлар Маҳкамаси қошида «Госснаб» ёки «Главснаб» тузилса бўлмасмикан, деган мазмундаги таклифлар ҳам билдирилмоқда.

Шу ўринда эслатиб ўтмоқчиман: биз товар-моддий бойликларни фондлар орқали тақсимловчи «Госснаб»дан нега воз кечдик? Жавоб жуда оддий. «Госснаб» тизимида маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи аввал-бошдан бир-бирига қаттиқ боғлаб қўйилар эди. Нархлар олдиндан белгиланиб, амалда харидорда танлаш имконияти ҳам, рақобат ҳам йўқ эди, талаб ва таклиф мувозанатига асосланган бозор механизмлари эса ишламас эди.

Бир сўз билан айтганда, режали тақсимот тизимининг бир қисми бўлган «Госснаб» ўз моҳиятига кўра ўта номақбул ва танқиддан тубан бир тузилма эди.

Ҳозирги вақтда моддий ресурслар савдоси асосан марказда амалга ошириляпти. Товар айланмасининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи Тошкент шаҳрида жойлашган биржалар ҳиссасига тўғри келади.

Товар айланмасининг сустлиги қўшимча харажатлар кўпайиши ва шунга мос равишда устама нархларнинг ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида биржалар орқали товар сотиб олишни манфаатсиз бир ишга айлантиряпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, биржа ва ярмарка савдолари талаб даражасида ўтказилмайди, брокерларнинг малакаси ҳамон пастлигича қолмоқда. Бу гап, айниқса, вилоятлардаги товар-хомашё биржалари фаолиятига тааллуқли. Олди-сотди битимларининг кўпчилиги биржаларнинг савдо сессияларида эмас, балки улардан ташқарида амалга оширилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, товар-хомашё биржаларининг бутун тизимини тубдан қайта ташкил этиш зарур. Ҳукумат

(Ў.Султонов), Давлат мулк қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Адлия вазирлиги барча манфаатдор томонлар иштирокида улгуржи-биржа савдоси ҳолатини инвентаризациядан ўтказсин ва унинг ҳолатига танқидий баҳо берсин ҳамда икки ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасининг бу масала бўйича қарорини тайёрлаб, қабул қилсин. Шунингдек, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунга зарур ўзгартиришларни Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

Коммунал хўжалиги фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Кейинги йилларда бу соҳада бирмунча ишлар қилинганига қарамасдан, ягона буюртмачи хизматини шакллантириш, уй-жой эгалари ширкатларини тузиш бўйича бошланган ислоҳотлар шу пайтгача ҳам охирига етказилгани йўқ. Кўп қаватли уйларнинг фақат 50 фоизидагина уй-жой эгалари ширкатлари тузилган, холос.

Коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича уй-жой эгалари ширкатлари ва маҳалла қўмиталарининг вазифалари ҳамда уларни рағбатлантириш тизими аниқ белгиланмаган.

Коммунал хизматлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш бўйича жамоа масъулияти тизими яхши самара бераётган туманларнинг тажрибалари жойларда кенг ёйилмаяпти.

Аҳолининг коммунал хизматлар учун қарзлари ҳамон юқори даражада қолмоқда. Бу ҳол, айниқса, Бухоро, Фарғона, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрига тааллуқлидир. Вилоятлар орасида коммунал хизматларга белгиланган тарифларнинг асоссиз равишда бир-биридан фарқ қиладиган ҳолатлари ҳам мавжуд.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси (Ў.Султонов) «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика, Молия ва Адлия вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан **биргаликда бир ой муддат ичида коммунал хизмат кўрсатишни ислоҳ қилиш, унинг тузилмалари, ишлаш механизмини қайта ташкил этиш бўйича қабул қилинган қонуний ва меъёрий ҳужжатларни чуқур таҳлил қилсин ва бугунги кунда коммунал хўжаликларнинг фаолияти бозор иқтисодиёти талабларига нечоғли жавоб бераётганига қатъий баҳо берсин ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилсин.**

Тегишли кодекслар, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрласин.

Бунда кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишнинг амалий ва ихчам тизимини яратиш ҳамда квартира, электр энергияси, коммунал хизмати учун ҳақларни ўз вақтида тўлаш масъулиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилсин.

Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида коммунал хўжалиги ва ширкатлар ишини ислоҳ қилиш бўйича доимий семинарлар ташкил этилсин.

Энди экспорт масалалари ҳақида.

Сўнгги йилларда бу соҳада қабул қилинган бир қатор муҳим рағбатлантирувчи тадбир ва чоралар ўзининг ижобий самарасини берди. Аммо бугун экспорт соҳасидаги қайси имтиёзлар ва рағбатлантирувчи омиллар самара бераётгани, қайсилари эса наф келтирмаётганини яна бир карра батафсил, танқидий кўз билан қараб чиқиш даркор. Ва шу асосда экспортга маҳсулот чиқарадиганлар учун янада манфаатли бўлган, уларнинг қизиқишларини янада оширадиган шароит яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш керак. Корхоналарнинг йўналишини кескин ўзгартириш, уларни доимий равишда экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбатлантирадиган кучли омилларни вужудга келтириш лозим.

**Биз энг муҳим бир фикрни чуқур англаб олишимиз зарур, фақат экспортнинг ўсишигина валюта тушумлари келтиради, фақат шу асосдагина ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан янгилаш масаласини ҳал этиш мумкин.**

**Ишлаб чиқаришни модернизация қилмасдан, технология ва асбоб-ускуналарни доимий равишда янгиламасдан туриб ҳозирги кунда бирон-бир замонавий ишлаб чиқариш корхонаси рақобатга бардош беролмайди, ўз истиқболини кўра олмайди.**

Ҳозирга қадар экспорт йўлида тўғаноқ бўлиб келаётган тўсиқларни яна бир бор кўриб чиқиш ва бартараф этиш зарур, деб ҳисоблайман. Бож тўловлари ва акцизлар миқдорини қайтадан кўриб чиқиш, бу соҳага солиқ таъсири қай даражада эканлигини аниқлаш, уларнинг мунтазам равишда камайиб боришига эришиш лозим.

Экспорт йўлидаги энг катта ғовлардан бири - Ўзбекистоннинг ташқи бозорлардан узоқлигидир. Табиийки, бундай шароитда транспорт харажатларини камайтиришга доир қўшимча чоралар кўриш керак.

Ўйлайманки, зарур ҳолатларда экспортни рағбатлантириш ва маҳсулотларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқарувчиларга тегишли ҳуқуқларни берадиган барча оқилона чора-тадбирларни қўллаш мумкин ва уларни қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш даркор.

Ҳукумат бир ой муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига маҳсулот экспорт қилишни қўшимча рағбатлантириш, экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарга имтиёзлар бериш юзасидан қарор лойиҳасини киритсин.

Биз ўзимизга яхши тасаввур қиламизки, экспортга маҳсулот чиқаришни рағбатлантиришнинг энг муҳим шарти, бу - валюта сиёсатини эркинлаштириш йўлидаги ишларни изчил давом эттиришдир.

Бу борада ҳам биз ўз аниқ ва равшан дастуримизга эгамиз. Мазкур дастур, биринчи навбатда, валюта курсларини унификациялаш жараёнини чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш, валюта айирбошлаш операциялари миқёсини кўпайтириш бўйича ўтган йилдан бошланган амалий ишларни ўз ичига олади.

Биз бундан буён ҳам жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертацияга тезроқ ўтиш учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган сиёсатни қатъийлик ва собитқадамлик билан амалга ошираверамиз.

Албатта, бу жараённи шакллантириш ва тезлаштириш муайян кафолатларни назарда тутишни тақозо этади. Бу кафолатлар аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш, валюта курсининг кескин тушиб кетиши билан боғлиқ кўпдан-кўп салбий оқибатларнинг олдини олиш имкониятини бериши лозим.

Биз бу масалада асосий вазифамизни қуйидагилардан иборат деб биламиз:

а в в а л о, миллий валютамизнинг тўла конвертациялашга ўтиш жараёни ижобий кечишини таъминлаш ва кафолатлаш мақсадида валюта ресурсларини излаб топиш учун барча халқаро молиявий тузилмалар билан амалий ҳамкорлик қилиш.

И к к и н ч и д а н, валюта айирбошлаш операцияларида қатнашувчи банклар ва айирбошлаш шахобчалари сонини кескин кўпайтириш, шу тариқа айирбошлаш шахобчалари орқали валюта сотиш ҳажмини ошириш учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш.

У ч и н ч и д а н, айирбошлаш шахобчаларида валюта айирбошлаш операциялари ҳажмининг ўсишини инобатга олган ҳолда, валюта сотиш шартлари ва талабларини эркинлаштириш, яъни валюта сотишдаги чеклашларни босқичма-босқич камайтириб бориш.

Қадрли дўстлар!

**Республикада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам бизнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолаверади.**

Шу мақсадда Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш бўйича ўз таклифларини кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни тезлаштиришлари зарур.

Бунда ўз маблағлари ҳисобидан истиқболли тармоқлар ва ҳудудларни инвестициялаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратишда улуши юқори бўлган банкларга солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилиши керак.

Ўзини оқлаган микрокредитлар сонини кўпайтириш ва бу ишни кенг кўламда амалга ошириш лозим.

Ички кредит манбаларини сафарбар этиш чора-тадбирлари билан биргаликда хорижий сармояларни рағбатлантиришга хизмат қиладиган қулай муҳит яратиш масаласи биз учун ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Шу маънода, ҳукуматимизга яқин вақт ичида Тошкентда Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатаётган ҳамда келгусида биз билан ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган сармоядорлар иштирокида анжуман ўтказиш вазифасини топшириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу анжуманда муҳокама қилиниши лозим бўлган мамлакатимизга янги сармоялар оқими келиши йўлидаги тўсиқ ва чеклашларни олиб ташлаш бўйича ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжуд.

Азиз дўстлар!

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлида асосий тўсиқ бўлиб турган принципиал масалалар ҳақида тўхталганда, бу ҳақда қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда, бозор муносабатларини шартнома мажбуриятларисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ёдда тутиш лозим.

Шуни тан олиш керакки, **бу масала, яъни шартномаларни тўғри тузиш ва бажарилишини таъминлаш иқтисодиётни ислоҳ этиш тизимида, айниқса, қишлоқ жойларида энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда.**

Хўжалик шартномалари номигагина тузилаётгани ҳақида, уларда томонларнинг мажбуриятлари, етказилган зарарни ундириб олиш чоралари аниқ акс этмаётгани тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бундан ташқари, ўз ҳуқуқларини яхши билмаслик натижасида томонлардан бирининг манфаатларига зид бўлган кўп ҳолларда кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар, фермер ва ижарачилар зарарига шартномалар тузилаётгани ҳақида кўплаб далиллар мавжуд.

Шунингдек, ижарачилар билан хўжаликлар ўртасида фақат хўжаликларнинг фойдасини кўзлаб тузилаётган, уларнинг моддий ресурсларни ўз вақтида етказиб бериш, агротехник тадбирларни амалга ошириш ва бошқа масалалар бўйича ижарачи олдидаги жавобгарлиги аниқ белгиланмаган минглаб шартномаларни ҳам мисол келтириш мумкин.

Кўпинча шартномаларни ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуқтаи назаридан тўғри расмийлаштириш талаблари бузилмоқда, улардаги шартларни, нарх ва бошқа шартнома муносабатларини тартибга солувчи меъёрларни аниқ акс эттириш билан боғлиқ оддий қонунларга ҳам риоя қилинмаяпти.

Биз бу ерда ўз эътирозларимизни, биринчи галда хўжалик судларига, Олий хўжалик судига айтишимиз керак. Улар ҳали ҳам шартнома муносабатларига киришган томонларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қиладиган тузилмага айлана олгани йўқ.

Адлия вазирлиги шартномаларнинг бузилиши бўйича ҳар бир ҳолатнинг далил ва сабабларини чуқур ўрганиши, унинг тагига етиб бориши, шартнома муносабатларини тартибга солиш, қонунийлик нуқтаи назаридан томонларнинг шартномаларни тўғри тузиш, энг муҳими, уларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариши даркор.

Оммавий ахборот воситалари ва телевидение имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, одамларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича иш олиб бориш зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, **мен хўжалик юритувчи субъектларни, биринчи навбатда, тадбиркорлик соҳасини назорат қилувчи идоралар томонидан ортиқча текширишларга йўл қўймаслик, бу борадаги ишларни тартибга солиш зарурлигини яна бир карра таъкидлашни истардим.** Бу иш 2001 йилда сезиларли даражада кучайтирилиши керак.

Бу кўп жиҳатдан Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятига боғлиқ.

Муҳтарам дўстлар!

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши билан боғлиқ ишларга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу дастурнинг мамлакатимиз келажаги учун нечоғли аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Биз бугун мазкур дастур доирасида бажарилган ишларни танқидий баҳолашимиз, бу йўлда қандай муаммоларга дуч келганимизни, дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни тўла амалга ошириш учун яна қандай чора-тадбирлар кўришимиз зарурлигини аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Мамлакатимизда 1998-2000 йиллар мобайнида 160 минг ўқувчига мўлжалланган 47 та академик лицей ва 260 та касб-ҳунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу мақсадлар учун 135 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Кейинги икки йилда лицей ва коллежларни ўқув-лаборатория қуроллари, таълимнинг техник воситалари, машина ва механизмлар билан жиҳозлаш учун республика бюджетидан 6 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. Шу мақсадда Корея Республикаси ва Осиё Тараққиёт банкининг кредитлари жалб қилинди, Япония ҳукумати билан кредит ажратиш масаласи ҳал этилмоқда. Умуман олганда, ўрта махсус ўқув юртларига зарур бўлган жиҳозлар сотиб олиш учун жалб қилинган чет эл инвестицияларининг миқдори 150 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Республикамизда янги турдаги таълим муассасалари учун мўлжалланган ўқув-услубий база шаклланмоқда. Бу борада 11 йўналишдаги 72 та Давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига татбиқ этилди. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида 223 та психологик-педагогик диагностика ва ўқувчиларни касбга йўналтириш маркази тузилди. Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга мўлжалланган 38 та ихтисослашган марказ ташкил қилинди. Кейинги уч йил давомида 14 минг ўқитувчи бу марказларда ўз малакасини оширди.

Бир сўз билан айтганда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга муваффақиятли жорий этиш учун барча асослар яратилмоқда. Шу билан бирга, тўпланган тажриба ва мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, бу борада олдимизда турган вазифаларни ечиш учун янгича ёндашувларни излаб топиш лозим. **Бунда асосий эътиборни сифат масаласига, ажратилаётган ресурслар ва моддий база имкониятларидан янада самарали фойдаланишга қаратиш даркор.**

Бугунги кунда маблағлар ва ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ишга туширилиш муддати билан боғлиқ кўрсаткичларга муайян ўзгаришлар киритиш зарурати пайдо бўлди. Бунда, айниқса, қишлоқ жойларидаги умумтаълим мактабларининг бўшаган ва фойдаланилмаётган бошқа биноларни реконструкция қилиш, улар асосида янги коллежлар барпо этиш ишларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва 2005 йилгача лицей ҳамда коллежларни улар билан тўла таъминлаш мақсадида аниқ дастур ишлаб чиқиш зарур.

**Коллежлардаги ўқитувчилар таркибининг савияси ва малакасини ошириш масаласи жиддий эътибор беришни талаб қилади. Энг янги, замонавий ўқув воситалари билан таъминланган коллежларда эскидан қолган ўқитиш услубларининг давом этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.**

Энг муҳими, замонавий коллеж ва лицейларда таълим-тарбия ишларини бугунги замон талабига жавоб берадиган юксак малакали, фидойи ўқитувчи ва мураббийлар олиб бориши зарур.

(Давоми 3-бетда)

# ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

**(Боши 1-2-бетларда)**

Жойларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг янги шаклдаги таълим муассасаси том маънодаги маданий-маърифий ва маънавий марказ бўлишига эришиш даркор.

Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси /Р.Азимов/, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда, юқорида зикр этилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда бу соҳадаги ишларимизнинг ютуқ ва камчиликлари аниқ кўрсатилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг 1998-2000 йиллардаги натижалари тўғрисида» ҳисобот тайёрласин ва кўриб чиқиш учун киритсин.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Яқинда бўлиб ўтган Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида иқтисодиётимизнинг ҳозирги аҳволи танқидий таҳлил этилиб, ўтиш даврида биз учун принципиал аҳамиятга эга бўлган энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб олинган эди.

Бу устувор йўналишларнинг маъно-моҳияти иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузада баён қилинган жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини, биринчи галда, иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш стратегиясидан келиб чиқади.

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, жамият ҳаётини ҳар томонлама эркинлаштириш борасидаги бу стратегик вазифалар Ўзбекистонда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил сиёсат ифодасидир. Булар шундай принципиал вазифаларки, биз уларнинг атрофида демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барча сиёсий ва ижтимоий кучларни бирлаштиришга эришмоғимиз лозим.

Вазирликлар, идоралар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда корхона ва муассасаларнинг бугунги кундаги ва келажакдаги бутун фаолияти бундан буён ҳам ана шу устувор вазифаларни бажаришга қаратилмоғи зарур.

Бизнинг дастурларимиз, жумладан, жорий йилга мўлжалланган режаларимиз ҳам ана шу стратегик ва узоқ муддатли вазифалар асосида шаклланиши даркор.

2001 йилга мўлжалланган дастурни амалга оширишда биз қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим?

Биринчидан, макроиқтисодий мутаносибликни ва ўтган йили бошимизга тушган қийинчиликларни назарда тутган ҳолда, барқарор иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш биз учун биринчи галдаги муҳим вазифа бўлиб қолиши табиийдир.

Бунга эришиш учун қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, солиқ тушумларини таъминлаш, инфляция ва нақд пул эмиссияси даражасининг кўзда тутилган доирадан ва пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан четга чиқишига йўл қўймаслик ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан - товарлар, ишлар ва хизматлар бозорида рақобат муҳитини яратиш ва монополиядан чиқариш билан боғлиқ масалалар ечимини якунига етказиш зарур. Биз учун бу масала кун сайин янада кўпроқ долзарблик касб этмоқда, чунки уларни ҳал этмасдан туриб, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини, ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини таъминлаб бўлмайди.

Бу бугунги кунда бозор ислоҳотлари йўлидан ривожланишнинг муҳим таркибий шартига айланиб бормоқда.

Шунинг учун бу борада халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари, аввало, табиий монополиялар деб аталадиган энергетика, темирйўл транспорти, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, пахта тозалаш ва кимё саноати, коммунал хўжалиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни охирига етказиш лозим.

Шундай тизимни яратиш зарурки, токи бу тизим корхоналар ва тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини кескин чегаралаш имконини берсин.

Учинчи муҳим вазифа бу - қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарасини оширишдан иборат. Ўтган йили қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, хўжаликларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди.

Буларнинг барчаси, аввало, деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнати ва етиштирган маҳсулоти учун тўланадиган ҳақни ўз вақтида олиш имконига эга бўлишларига қаратилган.

Бошлаган хайрли ишларимиз қаторидан муҳим ўрин олаётган масала - қишлоқ хўжалигини зарур техника ва транспорт воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимини ташкил қилишдан иборатдир.

Бу борада барча манфаатдор тузилмаларни ҳаракатга келтириш ўта муҳимдир. Молия вазирлиги, «Пахтабанк», «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг», машина-трактор парклари ва табиийки, янгитдан ташкил этилган тузилма - «Ўзагромашлизинг»нинг ўзаро ҳамкорликда ишлашини таъминлаш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ҳақида гап борар экан, биз қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш борасида орттирган тажрибамизни, унинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини назардан соқит қилмаган ҳолда, ҳар томонлама холис баҳолашимиз керак.

Жойларда, аввало, ҳокимликлар аниқ мақсадларга қаратилган ўз вазифаларини чуқур англаб, тегишли хулосалар чиқаришлари лозим. Бу борада ҳал қилувчи масалалардан бири - санацияга тортилган хўжаликларнинг ташқи бошқарувчилари лавозимига тайёргарликдан ўтган, **ўз ишини пухта биладиган одамлар тайинланишига эришишдир.**

Мен бугун барча ҳокимларни, хўжаликлар ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарларини огоҳлантириб айтмоқчиман: жорий йилдаги биз учун мураккаб бўлган шароитда олдимизда турган ишларни тўғри ташкил этиш учун зарур ташаббус ва тадбиркорлик кўрсатиш даркор.

Яна ва яна бир бор сизларнинг эътиборингизни ҳал қилувчи -муҳим бир масалага жалб этмоқчиман. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уруғлик чигитни саралаш ва навларни районлаштириш ишларини такомиллаштириш, агротехника талабларига риоя қилиш -буларнинг барчаси ўз йўли билан давом этади, албатта.

Лекин бугун қишлоқ хўжалик соҳасининг барча муаммолари мулк масаласининг ечимига боғлиқ бўлиб турганини ҳаммамиз яхши англаб олишимиз лозим. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиши керак.

Хўжаликларни ширкатларга айлантириш, мулкий пайчилик, хўжалик ичида оилавий пудрат муносабатларини жорий этиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган барча ишлар айнан мана шу мақсадга қаратилиши лозим.

Тўртинчи муҳим масала - хусусий тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнес ривожи учун қулай шароит яратишдан иборат. Бу соҳада кўп ишлар қилинмоқда.

Айни пайтда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси барча қонуний ва меъёрий ҳужжатларни, умуман, бу борада бизда ишлаб чиқилган ҳамма ҳужжатларни синчиклаб қайта кўриб, ҳисобдан ўтказсин.

Ана шу ишларнинг натижаси сифатида бугунги кунда самара бераётган тажрибаларни янада рағбатлантириш ва кенг ёйиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бешинчи вазифа - яна бир бор такрорламоқчиманки, **бу инвестицияларни рағбатлантириш масаласидир.**

Инвестицияларни излаб топиш, бўлғуси сармоядорлар билан алоқа ўрнатиш, қўшма корхоналар очиш, сармоядорлар учун қулай шарт-шароит яратиб бериш Ҳукуматдан тортиб хўжалик юритувчи субъектгача - ҳаммамизнинг умумий ишимизга айланиши лозим.

Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур.

Олтинчи муҳим вазифа - юқорида исботлаб берилган масала - экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш ва миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлашдир.

Бу вазифа бугунги кунда энг долзарб бўлиб, уни ҳал этмасдан иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳақида сўз юритиб бўлмайди.

Қадрли дўстлар!

**Биз янги аср, янги минг йилликка қадам қўйдик. Янги юзйилликнинг биз учун қандай бўлиши 2001 йилда олдимизда турган вазифаларни нечоғли адо этишимизга боғлиқ. Биз жамиятни янгилаш, ислоҳотларни изчил амалга ошириш бўйича аниқ-равшан ва ҳар томонлама пухта ўйланган дастурга эгамиз.** Бу дастурнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан унинг бутун жамиятимиз, ҳар биримизнинг асосий ишимизга айланишига боғлиқ.

Ана шу дастурни рўёбга чиқариш, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида қонунчилик ва адолат тамойилларига риоя қилиш борасида жамоатчилик назоратини кучайтириш катта аҳамият касб этади.

Бошқача айтганда, ҳар бир киши мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар учун ўз масъулиятини янада чуқуррок ҳис этиши лозим. Ҳар бир фуқаро оддий кузатувчи ва истеъмолчи бўлиб қолмасдан, жамиятимизда рўй бераётган ислоҳот ва демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши даркор.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ФАЛАСТИН ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТМОҚДА

***БМТнинг Яқин Шарқдаги махсус вакили Терье Роед-Ларсеннинг билдиришича, бугунги Фаластин иқтисоди танг аҳволга тушиб қолган.***

Давлат тизимида фаолият кўрсатаётган хизматчиларга тўланадиган маош учун ажратилган маблағ яна бир оз муддатдан сўнг тугайди. Бунинг оқибатида мамлакатдаги ҳарбийлар, ўқитувчилар, транспорт хизматчилари, тиббиёт ходимлари маошсиз қолишлари мумкин. Рейтер агентлигининг хабарига кўра, Роед-Ларсен Америка, Оврупо Иттифоқи ва араб давлатларининг дарҳол Фаластин ҳукуматига молиявий ёрдам беришларини сўради.

## РУС КЕМАЛАРИНИНГ САФАРИ

***Жорий йилда Россия ҳарбий кемалари бир қанча узоқ муддатли сафарлар уюштиради.***

Бу ҳақда Россия Ҳарбий денгиз флоти бош қўмондони адмирал Владимир Куроедов ахборот берар экан, "Бундай сафарлар флот тайёргарлигининг асосини ташкил этиб, биринчи навбатда шахсий таркиб ҳаракатига кўпроқ эътибор берилади", - деди. Бомбей кўрфазида бўлиб ўтадиган Тинч океани флотининг "Дўстлик кўприги" номли халқаро ҳарбий денгиз қўшинлари кўригида эса Россия Федерациясининг икки катта кемаси қатнашади, дея хабар қилади "Новости" ахборот маҳкамаси.

## ҲАРБИЙ БАЗА ҚУРИЛАДИ

***Венгрия парламенти мудофаа ишлари қўмитаси мамлакат жанубида НАТОнинг ҳарбий-техника базаси барпо этилиши режалаштирилганлигини эълон қилди.***

"Эхо Москвы" хабарига кўра, Будапешт шаҳридан 160 километр узоқликда жойлашадиган ушбу янги база учун АҚШ ҳукумати аллақачон 10 миллион доллар миқдорида маблағ ажратиб қўйган.

## БОРОДИН ҚАМОҚДАН ЧИҚИШИ МУМКИН

***Павел Бородинни Нью-Йорк судида ҳимоя қилаётган адвокат Элеонора Сергееванинг айтишича, яқин кунларда у 250 минг доллар эвазига қамоқдан озод этилади.***

Ҳозирда Бородинни оқлаш учун барча юридик далиллар бор. Швейцария прокуратураси эса Иттифоқ котибини Кремлнинг қайта таъмирлаш шартномаси учун пора олганликда ва бу пулларни Швейцария банкига қўйганликда айблаган эди, дея хабар қилади НТВ ахборот маҳкамаси.

## ГИЁҲВАНДЛИККА ЧЕК ҚЎЙИШМОҚЧИ?!

***Афғонистондаги "Толибон" ҳаракати гиёҳванд моддалар савдосига чек қўймоқчи.***

БМТ вакилининг гувоҳлик беришича, мамлакатда бундан буён "қора дори" моддаси ишлаб чиқарилмайди. Бу ердаги ана шундай масканлардан бири ёпилган.

Бироқ, "толибон"чилар ўз ваъдаларида турадиларми ёки йўқми буни вақт кўрсатади. Асошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, ўтган йилнинг ўзида 4000 тонна "қора дори" хорижий давлатларга чиқарилган.

## ЯНА ТЕРРОРЧИЛИК ХУРУЖИ

***Югославия Республикаси Косоводa содир этилган террорчилик хуружидан сўнг БМТ Хавфсизлик Кенгашига 1244-резолюциясининг бажарилиши борасида аниқ чоралар кўришни сўраб мурожаат қилди.***

Ушбу хуруж туфайли тинч аҳолининг 11 таси ўлган ва 40 таси жароҳат олган. Югославия ҳукумати албан экстремистларининг бундай жиноий ишини муҳокама қилар экан, барча фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида халқаро кучларни кўмакка чақирди.

## ГОРБАЧЕВ ФИЛЬМ ЯРАТМОҚДА

***Собиқ СССРнинг сўнгги раҳбари Михаил Сергеевич Горбачев жорий йилнинг декабр ойига қадар "Ҳокимият сири" деб номланган фильмини охирига етказмоқчи.***

Ушбу янги фильмда, - дея хабар қилади "Горбачев жамғармаси"- XX асрнинг дунё бўйича моҳир сиёсатдонлари ҳақида гап боради. Улар орасида собиқ президент Жорж Буш, Ёсир Арофат, Нельсон Манделла, Рим папаси Иоанн Павел II, Гельмут Коль, Эдуард Шеварднадзе, Лех Валенса, Фидель Кастро, Жанубий Корея Президенти Ким Де Жунг, Билл Клинтон ва Маргарет Тэтчерлар бор.

**Молиявий Янгиликлар Агентлиги "Виртуал кутубхонаси" билан ҳамкорликда тайёрланди.**

# ЭЛДА ХИЗР БОР ДЕЙДИЛАР

**(Боши 1-бетда)**

Ҳеч қандай товуш келмаётир. Унинг устидан роса кулишди: "Сени ажина чалиб кетибди". Фақат тасодиф...

Буёқ Боботоғ, у ёғи Сурхон дарёси. Ўртада адирлик. Тоғ узоқ, дарё йироқ. Адирда сув олтинга тенг... Бу энди 1880 йиллар... Қудуқ қазадиганлар келди. 2-3 жойни ковлашди. 4-5 қулоч чуқурликдан ҳам сув чиқмади. Чўпонлар ҳазиллашди:

-Вой бова, лаҳмчиларингиз қаердан сув чиқишини билмайди, Суюндуқ ака билади!

-Нима, Суюндуқ ер остига тушиб, қаерда тош бор, қаерда сув бор кўриб чиққанми? - ҳамма кулди.

Йўқ, бойбова жернинг остидаги сувдинг чайқалғонини эшитади...

Қани, бор, Суюндуқни обке!..

- Биринчи марта... Суюндуқ аканинг тиззаси қалтиради: "Эшитганим сувнинг шалдираши бўмай, бошқа нарса бўлса, нима деган одам бўламан?!" Барибир... 4-5 жойни "эшитиб" чўпон таёғи билан бир жойга доира чизди. Қудуқчилар ковлаб бошлади. 4 қулоч чуқурликда тупроқ намланди. 5 қулочга борар-бормас тепага бир кўза сув узатишди. Ҳамма ҳайрон. Суюндуқ бобонинг номи Сурхон дарёсидан ўтаётир, Боботоққа этаётир. Бой бова бўлса, "Шу Суюндуқнинг бир балоси бор-ов" деяётир. Юраги ернинг "юрагини" эшитадиган шу бобонинг ҳассаси чизган неча жойдан қанчалаб қудуқ қазилди. Ҳайратланмай дейсиз, аммо ҳаёт сизни ҳайратга солаверади.

Айтишларича, бир гап Суюндуқ бобога оғир ботган, юрагини "ўйиб" ўтган...

Катта давра... кўзини мой босган бир бой калака қилди:

-Суюндуқ Маккага борган ҳожимиди, мадраса кўрган мулламиди, мол-дунёси ойқириб жотган боймиди, ҳассасининг чизиғидан сув чиғивирса, у бир жолангоёқ чўлиқ бўлса... Ҳа, деб Суюндуқнинг гапини тилло сувга ботирасилар.

Атрофдагилар бойга хушомад қилиб кулишди...

Худойимнинг адолатини қаранг, минг қўйли бойнинг бир эшаклига иши тушган. Ўша бой, йил ўтиб, Суюндуқ бобони чақирди:

-Қудуққа жой кўрсатсангиз, бир эчки бераман.

-Вой бова, сиз осмон, мен жерман... Мадраса кўрган мулла ҳам эмасман. Бу дунёга келиб, чўпон таёғимдан бошқа нарсани билмайман...

Суюндуқ бобо ўтовдан чиқди. Бой изидан қараб қолди...

"Бир балоси бор бобо" оламдан ўтиб кетди...

Орадан 80 йил ўтиб, набираси Сайил Абраев "бир балоси бор" бўлиб чиқди. Фақат бошқача!..

Сайил бобо табиатни "ўқиш"нинг "пири" бўлиб танилди. Битта мезонни олайлик: қачон учди? Пастми, баландми? Оқми ё сарғишми? Узунлиги қандай? Йўғон-ингичкалиги-чи? Тугуни нечта? Тугунлар қандай жойлашган? Бир-бирига яқинми? Каттами-кичикми? Мезон тез учаяптими, секинми?.. Бобо барини кузатади, "мия"сига "киритиб" жойлайди. Шамолни ҳам, қушларнинг келиб-кетишини ҳам, дарахтларнинг барг тўкишини ҳам, юлдуз, ой, шафақларнинг ҳолати... ҳаммасини фикрига "олади". Сайил бобо "мия"сида юзлаб амаллар кун сайин бажариб борилади. Жавоб мана: "Бугун кечқурун кучли бўрон келади". Ёки "Уч кундан сўнг офат жала бўлади". Бобо бир академик синоптикча фикрларди.

Ражаб бобо Шодиев ҳозир нафақада. Ўшанда ўттиз ёшларда эди... Ўтин-ғўзапоя йиғилаётган пайт. Сайил бобо эшак миниб, қўйларни ҳайдаб, шошиб ўтиб бораётир:

-Ражаббой! Буни тезлатинг тўдаланганини чиғариб қолинг! Бўрон бўб қор келаяпти! Бугундан қолганини ололмайсиз! Тезроқ телечка товиб чиғариб олинг-а!

-Майли бова, майли, - деди-ю, лекин Ражаб ака ишонмади. Қуёш чарақлаб турибди. Ҳаво иссиқ. "Бова-ям айтди-қўйди-да"...

Уч-тўрт соат ўтди. Чанг-тўзон бошланди. Изидан бўрон бўб қор ташлади. Ўтин тизза бўйи қорнинг остида қолди. Қор йигирма кунда ҳам эримади. "Шул ўтин шудгорда қоп кетди", - деб Ражаб бобо Шодиев кулиб қўяди: "Шунча қор ёғишини, шунча музлаб ётишини Сайил бобо қандай билган, ҳеч тушунолмайман".

Холиқмурод ака эртаги помидор экди. Олди гуллаяпти. Сайил бобо ўтаётиб кўзи тушди:

-Холиқмуроджон, булардинг устини жовиб чиғинг! Ҳейла, опат-жола келаяпти!..

Холиқмурод ака осмонга қаради: топ-тоза. На булут бор, на шамол. Сайил бобо эса уйига шошиб кетаяпти. Холиқмурод ака "ичида" "Сайил боваям пича қарибди" деб қўйди. Бозорга кетди. Тушдан сўнг автобусда қайтди. Осмонни булут қоплаб, дўл-жала қуйишга тушди. Челаклаб ёғаяпти. Сув ариқларга сиғмай боради. "Ичи" куйиб, шалоббо ҳолида, ўкдай бўб уйга етиб келди. Помидор кўчатларини гўёки биров синдириб-мажақлаб чиққандай. Гулчинлар тупроқда лойга қорилиб ётибди. Икки ойлик азобли меҳнат тамом бўлган. "Уҳ!.. Сайил бова айтганда нимага устини жовиб чиқмадим-а?! Нимага-а??!"

Эл юз марталаб кўзи билан кўрди... Ва эл айтди: "Сайил бобонинг айтгани келади!" Сайил бобо яқин-яқинда яшаб ўтди. Юрагида бир армон кетди. 83 ёшдан ошган пайти... зўрға ҳасса суяниб юрган кунлари... кўп зорланди: "Сал даёвлашсам... Бир эшак товиб берсангар... Миниб, Боботовнинг боврини қўй боғиб журган жерларимни яна би-ир кўрсам!!"

Сайил бобо олис адирларга қайта боролмади...Ўзи айтар экан "Мен ё тошқизувда, ё жермузловда кетаман". Совуқ тушиб, ер музлаганининг биринчи куни Сайил бобо 84 ёшида ҳаётдан кўз юмдилар...

Элда Хизр бор, дейдилар. Бу ҳақ гап.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Урганч туманидаги Мунис Хоразмий номли жамоа хўжалиги аъзолари кўкламги экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар 900 гектар ерда деҳқончилик қилишади. Хўжаликка чорак асрдан кўпроқ вақт давомида Шоназар ота Юсупов раҳбарлик қилиб келаётир.**

**СУРАТДА: Шоназар ота Юсупов бош пудратчи Рустам Сафаров билан суҳбатда.**

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

САХОВАТ

## ДУО ОЛАЁТГАН ТАДБИРКОР

***Тадбиркор Тоҳир Самадов ҳам "Олтин олма, дуо ол" нақлига амал қилганлардан.***

У шаҳардаги марказий хиёбонни кўкаламзорлаштириш учун ўз ҳисобидан 3 миллион 200 минг сўмлик маблағ сарфлаган эди. Бундан ташқари, у яқинда 355 йиллик юбилейи кенг нишонланган мутасаввуф шоир, пири комил Сўфи Оллоёрнинг хиёбондаги рамзий ёдгорлиги қурилишига 300 минг сўм хайрия қилди.

-Халқимизда "Қўли очиқнинг – йўли очиқ" деган нақл бор. Саховатпеша Тоҳир Самадовга ўхшаш тадбиркорларга Яратганнинг ўзи йўл очаверади, - дейишмоқда каттақўрғонликлар.

**М.ЗИЁДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# СИФАТЛИ ТОЛА ХОРИЖГА

***Экспортдан келадиган даромад мамлакатимиз ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилади.***

Республика "Пахтасаноатсотиш" бирлашмаси корхоналари мамлакатимиздаги экспортга маҳсулот чиқарадиган муҳим тармоқлардан бири саналади. Деҳқонларимиз етиштирган ҳосил худди шу корхоналарда қайта ишланиб, хорижга юборилади.

Муборак туманидаги пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳам 2000 йилни анча муваффақиятли якунлашди.

Ўтган йили 22.240 тонна пахта хомашёси қабул қилиниб, шундан 3800 тонна сифатли хомашё кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилинди.

ЗАМОН-ИЗЛАНГАННИКИ

-Якунланган йилда 30 миллион сўм даромад олдик, - дейди жамият раиси Анвар Рўзиқулов, - ҳозир корхонамизда 440 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилади. Уларнинг ижтимоий муҳофазасига жиддий эътибор берилаяпти. Жумладан, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тариқасида байрамларда моддий ёрдам, ёғ, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзон нархда бериб борилади. Бу борада корхона қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжалик айни муддао бўлмоқда. Булар ҳам ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Бундан ташқари, корхона хайрли ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Тумандаги Ҳамид Олимжон номли ўрта мактабни ўз оталиғига олган.

Келгусида яна бир қанча режаларимиз бор, дея сўзида давом этди А.Рўзиқулов. Қўшимча иш ўринларини ташкил этиш учун нотўқима матолар ишлаб чиқариш цехини ишга туширмоқчимиз. Бундан ташқари, пахтачиликда экспорт салоҳиятини бундан-да ошириб, жаҳон талаблари даражасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш бош мақсадимиз.

**З.РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти.**

# РАИСЛАРНИНГ ПОЛВОНИ

**(Боши 1-бетда)**

**-Сизни кўпчилик полвон сифатида танийди ва ҳурмат қилади. 1978-80 йиллардаги курашларингиз кўпчилик мухлисларнинг хотирасида эъзозланиб келинади. Айтинг-чи, полвон бўлишингизга нима туртки бўлган?**

-Биласизми, мухбир ука, баъзи бир оғзига кучи етмаганлар полвонларни вақтинчалик шон-шуҳратга берилган, ёшлик чоғларида ўз кучига ишониб, гердайиб, умрини беҳуда, самарасиз ўтказадиганлар тоифасига қўшишади. Мен бу фикрларга асло қўшилмайман. Негаки, мен ҳаётдаги барча орзуларимга ўз саъй-ҳаракатим, полвонлик ҳунарим билан эришганман. Ўз жонини койитмай хотиржам яшашни мен ўзимга сира ҳам эп кўрмайман. Менинг полвон бўлиб етишишимга дўстим (биз бир қишлоқда вояга етганмиз) жаҳон чемпиони Собир Қурбонов сабабчи бўлган.

**-Сиз полвонлик қилиш билан бирга Бухоро вилоятидаги "энг оғир" хўжаликлардан бирини бошқариб келяпсиз. Ўтган йили қўлга киритган муваффақиятларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.**



-Сув тақчиллиги кўпчилик деҳқонлар қатори бизнинг ҳам тинкайи мадоримизни қуритди. Бироқ биз бу мушкулотларни енгиб, 432 гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирдик. 2420 тонна дон тайёрланиб, унинг 1385 тоннаси давлатга сотилди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 56,2 центнерданга тўғри келди. Хўжаликда тер тўкаётган ҳар бир ишчига 400 килограммдан дон тарқатилди. 1566 гектар ердан 8 минг тонна пахта хирмони яратиб, вилоятда энг юқори кўрсаткичга эришдик. Дарвоқе, хўжалигимизнинг 7 гектар ерда иссиқхонаси ҳам бор. Бу ерда лимон, помидор, бодринг сингари маҳсулотлар етиштирилади. Иссиқхонадан келадиган соф фойда ҳам ширкатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамламоқда.

**- Айни кунда хўжаликда қандай эзгу ишлар амалга оширилмоқда?**

-Янги йил арафасида "Арабхона" қўрғонида 2200 нафар аҳолига хизмат кўрсатадиган янги шифохона фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари 2 тонна сутни қайта ишлайдиган кичик корхона фаолият кўрсатаяпти. Бу қурилишга 287 минг АҚШ доллари сарф қилинди. 18 киши иш билан таъминланди. Хўжалик таркибида 9 та қишлоқ, 7 та ўрта мактаб, 11 та болалар боғчаси бор. Наврўз байрами арафасида 644 ўринли мактаб биносини ишга тушириш мўлжалланган. Қурилишни ўз ҳисобимиздан амалга оширяпмиз.

**-Хўжаликда спортга эътибор қандай?**

-Мен ўзим, боя айтилганидек спортнинг кураш турини жони-дилимдан севаман. Шу боисдан бўлса керак, хўжаликдаги спорт залида 80 нафар болалар кураш билан шуғулланишмоқда. Уларга 5 нафар тажрибали мураббийлар сабоқ беришади. Биласизми, йўқми бизнинг Деҳочи қишлоғидан 5 нафар жаҳон чемпиони етишиб чиққан. Булар Собир Қурбонов, Акобир Қурбонов, Шуҳрат Очилов, Рауф Болтаев, Ҳасан Мавлоновлардир. Яқин келажакда бу гўшадан яна кўплаб полвонлар жаҳон мусобақаларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтаради.

**-Оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

-Келинойингиз билан 4 ўғил, 2 нафар қизни вояга етказдик. Гулнора ва Гулшан ўқитувчи. Фурқат шифокор. Энг кенжа ўғлим Рашиджон ҳозирда Бухоро давлат университетининг 5-курсида таҳсил олмоқда. Келажакда у ҳам мен сингари қишлоқ хўжалик соҳасида ишламоқчи. 8 нафар неварамни тез-тез кўриб турмасам, жудаям соғиниб қоламан. "Данагидан мағзи ширин" деб шунга айтишса керак-да.

**-Бўш вақтларингизда нималар билан шуғулланасиз?**

- Агар мен бўш қоладиган бўлсам, китоб, газета-журналлар ўқийман. Комилжон Отаниёзов, Бобомурод Ҳамдамов, Камолиддин Раҳимов сингари ҳофизларнинг киши қалбининг нозик торларини чертувчи дилўртар, таъсирчан қўшиқларини тинглашни хуш кўраман.

**Мезбон: Улуғбек ЖУМАЕВ**

# ҚИШЛОҚДА ЎСГАН ШАҲАРЛИК АКТЁР

(Боши 1-бетда)

**-Улуғ актёрлардан кимларга ўхшагингиз келади?**

-Кўпчилик устоз актёрлар бу санъатнинг чўққиларига кўтарилган инсонлар эди. Ҳамза Умаров, Сойиб Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Шукур Бурхоновлардан кўп нарса ўрганганман. Бироқ, уларнинг даражасига эришиш нечоғли мушкул...

**-Болалик даврларингизни ҳам бир эсласак.**

-Болалигимда спортнинг кўп турлари билан оз-моз шуғулланганман. Айниқса, футбол жонидилим эди.

**-Севги ва дўстлик муносабатлари ҳақида қандай фикрдасиз?**

-Бизнинг ўсмирлик чоғларимизда бирор қизни севиш мўъжизадак гап эди. Самимийлик, меҳр-оқибат зўр эди у пайтлар. Ўзим ҳам техникумда ўқиб юрган кезларимда севги дардига мубтало бўлганман. Ўша қизга фақат мўлтираб тикилиб ўтирардим. Бир оғиз сўз дея олмаганман...

Вақт ҳаммасини ўз ўрнига қўяр экан. Ана шундай бўлмаганда муҳаббат кўпларни адо қилган бўларди. Бу дунёда самимий дўст топиш ниҳоятда қийин экан. Айниқса, ҳамкасблар орасида дўст топсанг-у, уни йўқотиб қўйсанг, бундан оғир изтироб йўқ экан.

**-Айтинг-чи, сиз ҳаётда қандай инсонсиз?**

-Таъсирчанман, ноҳақликка чидолмайман. "Ўн тийинлик" иш қилиб, бир сўмлик иш қилдим, дейдиганларни, ўйнаган ҳар бир ролини образ даражасига кўтардим, дея мақтанадиганларни ёмон кўраман.

**-Сизни кўпроқ нима ўйлантиради?**

-Яқинда уйимизга ўз ишлари билан келган солиқ идораси ходимларидан бири мени таниб қолиб: "Эй, Равшан ака, шундай машҳур актёр бўла туриб, икки хонали уйда яшайсизми. Ундан кўра бошқа касб эгаси бўлганингизда яхши яшардингиз" деб қолди. Ўша гапдан кейин ҳаётга реал назар ташлаш зарур экан, деб ўйлаб қолдим. Энди ўйлаб қарасам, санъат деб бу тарафларни эътиборсиз қолдирган эканман...

**-Мана бултур сиз республикамизда илк бор ўтказилган нуфузли "Офарин" танловида ғолиб чиқдингиз. Ўшанда кўнглингиздан қандай ўйлар кечди?**

-Очиғи, бундай бўлишини сира кутмаган



эдим. Чунки, ана шу мукофотга даъвогар бўлган "рақиб"ларимизнинг барчаси обрўли, таниқли санъаткорлар эди. Ғолиб сифатида менинг исми-шарифимни тилга олишганда қулоқларимга ишонмадим. Таниқли санъаткор Хайрулла Саъдиев мукофотни топшираётиб, бирор нарса денг, деди. Гапирмоқчи бўлдим. Лекин, бир нарса томоғимга тиқилгандек, овозим чиқмай, кўзларимга жиққа ёш келди. Ўша чоғда шундай санъатсевар халқимиз борлигидан кўнглим тоғдек кўтарилиб кетди. Насиб этса, бундан буён ҳам уларнинг хизматида бўлиб, бу йўлда бор куч ва маҳоратимни ишга соламан. Ахир санъаткор учун эл-юрт "офарин"ига сазовор бўлишдан ҳам ортиқроқ бахт бўлиши мумкинми?

**-"Қишлоқ ҳаёти" газетаси муштарийларига тилакларингиз?**

-Тўғриси, шаҳарда туғилган бўлсам-да, қишлоқда ўсганман. Мен қишлоқда кўп юрганман. Шу боис қишлоқ одамларини жудаям ҳурмат қиламан. Одамларимиз соғ бўлишсин, санъат билан бирга бўлишсин. Суҳбатимизни ўқиганлар ҳам омон бўлишсин. Биз уларнинг лабига табассум, юзига кулгу улашишдан ўзимизни бахтли сезамиз.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.**

ЯХШИ ХАБАР

## САХОВАТ ЯМ-ЯШИЛ ЛИБОС ДЕМАКДИР

***Халқимизнинг ажойиб удумлари кўп. Наврўз эса бахт, омад элчиси демакдир. Шу муносабат билан Бухоро вилоятида ободончилик ва меҳр-саховат икки ойлиги эълон қилинган эди.***

Ўтган йилнинг кузида вилоят ҳокимининг фармойиши билан 2000 йил кузи ва 2001 йил баҳорида вилоятда кўчат экиш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Вилоят шаҳар ва қишлоқларида 8 миллион 984 минг дона мевали ва манзарали кўчат ўтқазиб, катта ободончилик тадбирларини амалга ошириш режалаштирилди.

Қор тушиб, ер музлаганга қадар 3 миллион 100 минг дона кўчат ўтқазилди. Бу ишда Шофиркон, Олот, Пешку, Қоракўл, Ғиждувон туманлари, айниқса ғайрат кўрсатишди. Аммо, барибир бажарилган иш ҳажми етарли эмас эди. Шунинг учун илиқ кунлар бошланиши билан бу муҳим ишни давом эттириш талаб этилди.

Барча туманлардаги ўрмон, жамоа ва ширкат хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар фуқароларга кўчатларнинг истаган турларини сотишга тайёр. Айни пайтда вилоят бўйича 50 гектар майдонда кўчатларнинг энг яхши навлари етиштириляпти. Уларнинг ичида шаҳар ва қишлоқларнинг чиройига кўрк бағишлайдиган игна баргли анвойи навлари ҳам мавжуд.

Вилоятда ҳаво илиб кетиши билан барча меҳнат ва ўқув жамоалари, фуқаролар кўчат экиш икки ойлигида қатнашишга даъват этилди. Ахир, "яхшидан боғ қолади", деб бежиз айтилмаган-да! Меҳр-саховат эса, бу боғнинг яхшилик йўғрилган ям-яшил либосидир.

**Дилмурод ЖАББОР, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

## ЭРКА ҚУШИМ

*Осмон узра яйраб учган*
*Эрка қушим.*
*Қушлар ичра карвонбоши –*
*Серка қушим.*

*Парвозингни кўк томошо*
*Қилар гўё,*
*Дили яшнаб, чексиз бағрин*
*Очар дунё.*

*Ҳавас қилиб, меҳр қўйган*
*Бургутимсан,*
*Эрк тимсолим, озод қалбим,*
*Умидимсан.*

*Барча қушлар севиб боқар*
*Қанотингга.*
*Фазо қутлаб, оқ йўл тилар*
*Омадингга.*

*Эркин жўшиб, сапчиб ётган*
*Тўлқинлардан,*
*Ҳур-ҳур эсган шамолларў*
*Эпкинлардан.*

*Баландлаб уч, баландларга*
*Қодир қушим,*
*Қўнсанг юксак чўққига кўн,*
*Ботир қушим!*

## ШИРИНДИРСИЗ ФАРЗАНДЛАР

*Гулдай кулган қувноқларим,*
*Нозикларим, дўмбоқларим.*
*Шарбатларим, шакарларим,*
*Дилларга ҳуш ёқарларим.*

*Оғзингизни асал қилган,*
*Чеҳрангизни гўзал қилган*
*Қандолатчи ширасозлар –*
*Омон бўлсин холвапазлар.*

*Ёнғоқ, писта, кунжит холва*
*Дастурхонда қилар жилва.*
*Кўнгилларни этиб обод,*
*Ял-ял ёниб турар новвот.*

*Қойил конфет, қойил пашмак,*
*Бай-бай, асал синган чак-чак.*
*Ҳайратпеша шоколадлар,*
*"Эртак" тортлар, мармеладлар.*

*Ватан сизни кўп ардоқлар,*
*Жон-дилингиз музқаймоқлар.*
*Ширindirsiz эй, фарзандлар,*
*Севганингиз хўрозқандлар.*

**Қамбар ОТА**



*Оналик бахти.*

Б.АКРАМОВ сурат-лавҳаси.

## "БАХМАЛШАРОБ"НИНГ БАҲОСИ

***Москва шаҳрида бўлиб ўтган "Интердринк" халқаро кўргазмасида "Бахмалшароб" ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг таркибий сифати юқори баҳоланиб, кумуш медал билан мукофотланди.***

Корхонанинг бозор талаблари бўйича рейтинг кўрсаткичлари баландлиги, молия-иқтисодиёт тараққиёти мезонларига мослиги эвазига 2001 йилда хориж инвестициясининг 250 минг АҚШ доллари миқдоридаги квота маблағи ҳам шу жамоага бериладиган бўлди.

МУЖДА

## БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

***Наврўз арафасида Жиззах шаҳридаги "Ўрда" истироҳат боғи қайта таъмирланиб, қишлоқ ва туманларда 20 километр газ ва 10 километр сув тармоқлари фойдаланишга топширилади.***

Истиқлолимизнинг 10 йиллиги муносабати билан вилоятда 25 та маданий-маиший, ижтимоий ва ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этилади. Булар касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, саломатлик муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, бозорлар, қўшма корхона ва цехлар бўлади.

**К.ЖЎРАҚУЛОВ**

# КУТУБХОНАДАГИ "КАЛАМУШ"ЛАР

(Боши 1-бетда)

Масалан, Самарқанд тиббиёт институтининг талабалари Лола Ибрагимова, Наталья Ариноваларнинг ҳар бири 1998 йилда иккитадан китоб олишган-у, қайтаришмаганлигини, бундай мисоллар эса анчагина эканлигини айтишди. Энг ёмони, маъмурият уларнинг ўқиш жойларига, уйларига қайта-қайта хат ёзишиб, қўнғироқ қилишиб ҳам бирор натижага эриша олмаяптилар.

Яна бир ташвишли ҳол шундаки, шаҳардан кўчиб кетувчиларнинг аксарияти хайр-хўшни насия қилиб, кутубхона мулкини ортмоқлаб жўнашмоқда. Феруза Ляпина шуларнинг биридир. Ляпина сингариларнинг айби билан сўнгги бор 60 та китобни ҳисобдан чиқаришга мажбур бўлинган.

Шу ўринда Наталья Сергеевна кутубхонанинг ҳайдалган аъзоси С.Р.Думбадзенинг қилиғи ҳаммасидан ошиб тушганини айтди. Бу "китобхон" газета ва журналлар тахламларидан йиртиб, қайчилаб ўғирлашни одат қилиб, қўлга тушади. Уни маъмурият 1998 йилда алоҳида буйруқ чиқариб, кутубхонадан фойдаланишдан бир умрга маҳрум этади. Билмадик, энди у қайси даргоҳларда "фаолиятини" давом эттирмоқда экан?

1876 йилда чоп этилган, кутубхона "олтин жамғармасида" 9220 рақами билан сақланаётган А.П.Хорошхинанинг "Туркестанский край" китоби турли ёзувлар билан бежаб ташланган, 151-154-бетлари юлиб олинган. 225275 рақами билан сақланаётган ягона "Великие мыслители Средней Азии" китобининг ҳам 8-21-бетларини қайсидир нобакор йиртиб олиб кетган. 364537 рақамли "Ўзбек тили" китобининг эса 92-113-бетлари йўқ. "О деятелях общественных наук Узбекистана" китоби ҳам 304-309- бетларидан жудо бўлган. Ҳайҳотки, бундай дардли мисолларни истаганча келтириш мумкин. Ғижимланган, букланган, чизилган, турли қайдлар ёзилган китоблар, газета ва журналлар тахламлари киши бағрини эзади. Айниқса, айнан нодир, бир нусхагинада авайлаб сақланаётган нашрларнинг яроқсиз ҳолга келтирилганлиги, йўқотилаётганлиги кечириб бўлмас гуноҳдир. Эҳтимол, Марказий Осиёнинг улуғ мутафаккирлари ҳақида 1958 йилда чоп этилган китобнинг тугал, яроқли бирор донаси мамлакатимизнинг қайсидир кутубхонасида бордир. Бу бизга қоронғи, аммо, юртимиздаги таянч зиё масканларидан ҳисобланмиш А.С.Пушкин номли кутубхонада энди унинг йўқлиги аччиқ ҳақиқат.

Энг ёмони, китобга худбинларча муносабатда бўлиш барча кутубхоналарда, узоқ қишлоқлардаги илм ўчоқларида ҳам бот-бот содир этилмоқда.

Кутубхоналарни кемирувчи зараркунандаларга ўхшовчи кимсаларнинг "саллона" юришлари оқибатида шаҳар марказлашган кутубхоналар тизими бўйича бир йилда 700 тага яқин китоб йўқолган, минглаб китоблар ҳар хил даражада шикастланган. Жумладан, 5-кутубхонадан 127 дона, 15-кутубхонадан 484 дона, 10-кутубхонадан 38 дона китоб бугун рўйхатдан чиқарилди. Кейинги 5 йил давомида тармоқ кутубхоналарида йўқолган китоблар 13200 донани ташкил этади.

Тўғри, йўқотилган китобларнинг ўрни ошиғи билан тўлдирилмоқда. Лекин, у ниманинг, кимларнинг ҳисобидан бўляпти? Қолаверса, қай тартибда ва қай даражада тўлдирилмоқда? Сон жиҳатдан янги чиқаётган китоблар билан тикланган жавонлар йўқолиб кетаётган ноёб, энг сўнгги нусхаларнинг ўрнини боса олса, кошкийди. Бу ҳақда ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрсак, китоб кушандаларини кечириб бўлмаслигини англаймиз. 2000 йилда Қўшработ, Иштихон, Нарпай туманлари маданият ишлари бўлимларининг ҳар бири 2 миллион сўмдан, Пойариқ, Булунғур туманларида эса 1 миллион сўмликдан зиёд китоблар олинди. Ахир бу юртимизнинг бебаҳо бойлиги-ку! Уларни асраш, авайлаб фойдаланиш бурчимиз эмасми?!

Кутубхона эгаларининг нобакорларни пойлашдан ташқари ҳам ташвишлари бошдан ошиб ётибди. Иқтисодий тақчиллик уларни илҳом билан ишлашдан чалғита олмаган бўлса-да, қўлларини анчайин калта қилиб қўйди. Газета тахламларини кўздан кечирарканмиз, шунинг гувоҳи бўлдикки, бундан 100 йил муқаддам чиққан "Туркестанские ведомости" газетаси тахламлари ғоят сифатли муқоваланиб, улкан китоб ҳолатига келтирилганлиги учун бирдай сақланмоқда. Лекин, бундан 5-6 йилгина муқаддам чиқарилган газеталар ҳолати ачинарлидир. Сабаби иқтисодий тақчилликка бориб тақалади. 7-8 йилдан буён муқовалаш учун анжомлар топиш, мутахассисларни чорлашнинг иложи бўлмаяпти. Шундай шароитда китобхон номи билан бу ерга келиб, номақбуллик қилаётган кимсаларнинг хурмача қилиқлари жудаям инсофсизлик, жудаям шармандаликдир.

Китоб халқ мулки, мамлакатнинг маънавий бойлиги, келгуси авлодлар учун бебаҳо мерос. Унга муносабатни, кутубхоналар жамғармаларидан фойдаланиш тартиб-қоидаларини жиддий қайта кўриб чиқиш зарурати аллақачонлар пишиб етилган. Энди бу тадбирни ортга сурмасдан тайёрлаш, қонунийлаштириш керак. Токи кутубхоналарга қилинган хиёнат тегишли тарзда жазолансин. Шундагина ҳозир юз бериб турган маданиятсизликларнинг олди олиниши мумкин. Қўлида қайчи, қўлтиғида ўғри халтаси билан "китоб овловчилар" "ўйнаб" юраверар экан, "олтин заҳираларимиз" тақдири хавф остида қолаверади.

**Ўктам ҚУРБОНОВ**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## ЎҚОТАРНИНГ АРМОНИ

***Бундан бир ой бурун халқаро ўқотарлар баҳсларига старт берилган эди.***

Бу мусобақаларда Қозоғистон терма жамоаси Чехия, Германия жамоалари устидан ажойиб ғалабаларни қўлга киритди. Якка тартибдаги мусобақаларда эса, Ольга Коваленко жаҳон чемпиони деб эълон қилинди.

Бироқ, қозоғистонлик ўқотарларнинг битта армони бор-да! "Кошкийди, бу спорт тури ҳам олимпиячилар қаторига киритилса", - дейишмоқда улар. Афсуски, бу ҳозирча қуруқ гаплар, холос.

## ҲАҚИҚИЙ ИШҚИБОЗ

***Американлик фуқаро Скотт Смит бутун умр американча футболга қизиқиб келади.***

Йўқ, у баҳслар пайтида ўйингоҳдан туриб қичқирмайди, ҳуштак чалмайди, тўполон кўтармайди. Фақат... Ҳаяжоннинг кучлилигидан бўлса керак, айниқса, севган жамоаси ютқаза бошладими, тамом. Юрак ўйноғи, ошқозон оғриғи дейсизми, хуллас, ҳаёт учун ўта хавфли касалликларнинг барчаси унга ёпишади.

Хотини шўрлик уни бу йўлдан қайтаришга кўп бор уринди. Лекин фойдаси бўлмагач, севимли "ёр"ини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Маълумотларга қараганда. Скотт айни кунда марказий касалхонанинг реанимация бўлимида ётиб ҳам бемалол футбол томоша қилаётганмиш.

## ТАЙСОННИНГ БОШИДАГИ ТАШВИШЛАР

***Айтишларига қараганда, таниқли боксчи Майк Тайсоннинг бошига табиатда мавжуд бўлган барча балолар ёпирилмоқда...***

Хуллас, яқинда, аниқроғи, поляк боксчиси билан ўтказилган жанглардан сўнг уни марихуана чекишда айблай бошлашди ҳамда беш минг Америка доллари миқдорида жарима белгилашди. Бу ҳам етмагандек, Тайсонга 30 кунгача рингга чиқиш таъқиқлаб қўйилди.

Албатта, у охирги жангдан сўнг текширув ўтказилганида врачлар ана шундай хулосага келишган эди. Аммо, кўпчилик, жанг олди Тайсон анализ топширишдан бош тортганлиги сабабли ҳам унга шундай жазо қўлланилган бўлса керак, дейишмоқда.

## БОКСДАГИ ЙЎҚОТИШЛАР

***Яқинда бокс бўйича икки марта Оврупо чемпиони Тиберио Митри бахтсиз тасодиф туфайли 74 ёшида оламдан ўтди.***

Маълумки, у 50-йиллар ўрталарида 72,5 кг вазн тоифасида жанглар олиб борган ва ватани – Италия шарафини мардона ҳимоя қилган. Бироқ, йиллар ўтиб машҳур боксчини қора дори балоси йўлдан оздирди-ю, ҳаммаси бутунлай бошқача тус олди. Оқибатда у соғлигидан, фарзандларидан, мол-дунёсидан айрилиб, умрининг сўнгги лаҳзаларигача ёлғизликда, қашшоқликда ҳаёт кечирди.

**О.ҲАЙИТОВ тайёрлади.**

# КОСА ТАГИДАГИ НИМКОСА

ҲАЖВИЯ

***Тўймас Ўпқоновни порахўр, деб ким айтди сизга? Номаъқул бузоқнинг гўштини ебди ўша! Агар дунёда иккита ҳалол инсон бўлса, биттаси ана ўша инсон, битта бўлса, шубҳасиз шу киши бўлади.***

"Порахўр" эмиш. Ўзингиз ўйланг, бузоқнинг ҳақи бор, деб сигирнинг сутини ичмайдиган одамга шунақа "совуқ" номни тиркаш инсофданми?

Тўғри, домла нуфузли олийгоҳда дарс беради. Бўлажак фан номзоди. У ҳақда билмоқчи бўлсангиз, ана талабаларидан сўраб кўринг. Ҳақиқий баҳони ўшалар беришсин. Қани, қайси талаба бошқа домлаларнинг дарсида эмин-эркин ухлай олади. Уйқу уёқда турсин, айримларининг дарсига беш дақиқа кечикиб киринг, қани дарсга қўярмикан. Чиқариб юборгани-ку майли, "энбе" қўйгани чатоқ-да. Кейин эса "отработка" топширолмай, йиғлаб юрасиз.

Йўқ, Тўймас ака унақа ноинсофлардан эмас. Дарсига хоҳласангиз кирасиз, хоҳламасангиз йўқ. Домланинг очиқ кўнгиллиги, раҳмдиллиги таърифга сиғмайди. Талабаларга шунақа меҳрибонки!.. Баъзи бир домлалар талабаларни сиқиб, сувини ичади. Худо кўрсатмасин, "баҳо қўймайман", деб туриб олса борми, ўртага деканни қўясизми, ректорними, бирор иш чиқаролмайсиз. Иккала оёғини бир этикка тиқиб тураверади. Тўймас Ўпқонов эса бунақа расмиятчиликдан йироқ, тушунган инсон. Шўрлик талабаларни қийнашни истамайди. Ҳали бирорта толиби илм домланинг орқасида кўз-ёшини оқизиб юрмаган. Тўғри-да, шўрлик талаба имтиҳонда жавоб беролмаса, айб ундамаску! Қуриб кетгур мияда бало ҳам бўлмаса, нима қилсин бечора? Ўқишдан ҳайдалиб кетавериши керакми? Домланинг энг инсоний фазилатларидан бири, ана шундай нозик вазиятни атрофлича тушуна олишидадир. Сизга "уч" керакми, марҳамат. Домладан нима кетди? Асакаси кетармиди! Агар "тўрт" ёки "беш" керак бўлса ҳам, домла сизни қийнаб ўтирмайди. Фақат...

Энди, шундай тушунган инсонни қадрига етмаслик, унинг самимий хислатларини муносиб баҳоламаслик ҳам гуноҳ-да, тўғримасми? Йўқ, бу гапимдан дарров нотўғри хулоса чиқарманг. Домла, баъзилардек таъмагирлик қилиб ўтирмайди. "Қани, чиқар борингни", дейдиганлардан ўзи асрасин. Домла унақалардан-мас. Сизга истаган баҳоингизни қўйиб беради. Сиз ҳам қараб ўтирмайсиз-да! Агар самарқандлик бўлсангиз, бир икки кило майиз, бухоролик бўлсангиз, икки-уч кило шўрданак, Хоразмдан бўлсангиз гуруч, дегандай... Хуллас, ҳимматингизга қараб. Бироқ, домла асло "фалон нарса олиб кел", дея безбетлик қилганини ҳеч ким эслолмайди. Фақат, сизнинг, масалан, андижонлик эканингизни билса, бир оғизгина лутф қилиб қўяди:

-Бу, Андижонда жа зўр дўппи тикилади-да, а? Шу десангиз, кўпдан буён Анжонча дўппига ҳавас кетган-да!

Буёғини тушуниб олаверасиз. Хуллас, домла хурсанд бўлса, сиз ҳам хурсандсиз. Фақат, кўнгилдан чиқариб, "илинсангиз" бас.

Домланинг яна бир яхши одати бор. Агар талабаларнинг сал дарсга уқуви бўлмаса, имтиҳонда бироз тутилиб қолса, дарров бунинг ҳам чорасини топади. Керакли қўлланмани топиб, тавсия қилади. Тўғри, нархи... оз-моз қимматроқ. Бироқ, домлада нима айб. Тирикчилик-да. Ахир, олибсотар ҳам Отчопардан олган молни Чорсуга опкелиб, икки бараварга пуллайди-ку! Шароитнинг ўзи шуни тақозо қиляпти-да! Унинг ҳам бола-чақаси бор.

Лаббай? "Домлага қариндошчилигингиз йўқми, дейсизми?" Йўғ-е, нима, бировни сал-пал мақтаса, дарров қариндош чиқиб қолаверадими? Бироқ, гап орамизда қолсин-у, буёқда қишки сессия яқин келяпти. Шунинг учун газетада у-бу нарса чиқариб, домлани кўнглини олиб қўяйлик, дедик-да! Менимча, домла ушбу "очерк"ни ўқиб қолсалар, роса хурсанд бўлсалар, ҳатто имтиҳон баҳосини ҳам кўзларини чирт юмиб, "арзонгина" қўйиб берсалар ажабмас... Тўғрими?

**Рустам БЕК**

# ТУРК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

**Шошилинч ишга шайтон қўшилур.**

* * *

**Одам иш бошида белгилик.**

* * *

**Ёғочни қурт, одамни дард емирар.**

* * *

**Ақл – оқилдан устун.**

* * *

**Ақлли душман аҳмоқ дўстдан яхшироқ.**

* * *

**Билган сўзламас, сўзлаган билмас.**

* * *

**Бир оғиздан чиққан гап минг оғизга ёйилар.**

* * *

**Давлат қуши бошга қўнар бир бора**

* * *

**Яхши дўст ёмон кунда белгилик.**

* * *

**Дарахти кўп қишлоқни сел олмас.**

* * *

**Камбағаллик эмас, танбаллик уят.**

* * *

**Ҳар кун бир бўлмас.**

* * *

**Яхшилик қил, дарёга от**
**Балиқ эмас, ҳолиқ билур.**

* * *

**Ўлимдан қўрққан қўрқувдан ўлар.**

* * *

**Вақт –олтиндир.**

* * *

**Берган қўл олган қўлдан юқори туради.**

* * *

**Ёлғончининг уйи ёнса, биров инонмас.**

**Ж.РУСТАМОВ таржимаси.**

# РАССОМ ТАБАССУМИ



**Хўроз**: - Эчки, эшитдингми, қўйлар тухум туғаётган эмиш!
**Эчки**: - Аҳмоқона гап. Ким айтди буни?
**Хўроз**: - Йўлбарсдан эшитдим.
**Эчки**: - Ҳмм...Йўлбарс айтган бўлса, унда тўғри экан.

**А.ҲАКИМОВ чизган расм.**

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2000 йил 28 декабрдаги № 154-155- сонида Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги "Тураб ота" хусусий корхонасига тегишли НЗССС01773 рақамли касса аппарати йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон босилганди. Ушбу касса аппарати топилганлиги сабабли юқоридаги эълон бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси жамоаси Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллиги раҳбари **Мирсиддиқ ЎРИНБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Қишлоқ ҳаёти" таҳририяти жамоаси газета мухбири Рустам Жабборовга бувиси **САОДАТ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Тураб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

**МУАССИСЛАР:** *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноатсотиш", "Ўзбекипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноатмажмуиходимларикасаба уюшмаси Марказий Қўмитаси*

**Телефонлар:** Қабулхона - **133-09-93 - 133-40-87** (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — **133-16-27, 133-44-43**, котибият — **136-56-26**. Ижодий гуруҳлар: **136-56-21, 136-56-25, 136-54-42**, реклама ва эълонлар — **136-56-30** (факс).

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси - **8-361-58-519-58**; Андижон - **8-374-2-25-32-23**; Бухоро - **8-365-22-648-22**; Жиззах - **8-372-33-553-59**; Навоий - **8-436-22-588-56**; Наманган, Фарғона - **8-369-22-652-10**; Самарқанд - **8-366-233-00-52**; Сурхондарё - **8-376-46-526-61**; Сирдарё - **8-367-225-41-73**; Тошкент - **8-371-136-56-21**; Хоразм - **8-362-22-640-80**; Қашқадарё - **8-375-22-517-65**.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32**

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

**Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.**

**Навбатчи:** О.ХАЙИТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Буюртма Г— 2008, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00 | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди | 1 2 3 3 4 6.